O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 11 сентябрь, жума № 37 (2320). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 11 сентября, 2009 год, № 37 (2320). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

АРМИЯНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ДАСТУРИГА МУВОФИҚ, МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ТАШҚИ ВА ИЧКИ ТАҲДИД ВА ХАТАРЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ АСОСИДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ ҚУРИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни Оқсаройда «MAN» компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.

«MAN Nutzfahrzeuge AG» концерни билан «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани сиз раҳбарлик қилаётган «MAN» компаниялар гуруҳининг мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига қизиқишидан далолатдир, – деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанддаги «СамАвто» заводи ҳудудида ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси МДҲда биринчи бўлиб жорий йил 4 сентябрдан «MAN» русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқара бошлади. Биринчи босқичда қўшма корхонада нефть-газ, автомобилсозлик, йўлсозлик, кончилик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари эҳтиёжлари учун турли қувватга эга юк автомобиллари ва ағдарма машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда бу соҳаларда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръати, инфратузилманинг кенгайиб бораётгани ва автомобиль паркларини янгилашга эҳтиёж ортаётгани кузатилмоқда.

Янги тузилган қўшма корхона фаолиятининг илк даврида йилига 2000 дона автотранспорт воситаси ишлаб чиқаради. Дастлабки босқичда ишлаб чиқариш Самарқанд автомобиль заводи билан ҳамкорликда олиб борилади.

«MAN Nutzfahrzeuge AG» концерни келгусида «JV MAN Auto-Uzbekistan» маҳсулотларини МДҲ мамлакатларидаги ўз дистрибьюторлари орқали экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Х. Самуэльссон самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдириб, «MAN» компаниялар гуруҳи «Ўзавтосаноат» компанияси билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон автомобилсозлик саноати корхоналари билан «MAN» компаниялар гуруҳи ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

2009 йилнинг 29 август куни тахминан соат 18.30 да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида «Кўкча» масжиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5- уй, 3-хонадон манзилида, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган.


Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иқрорий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.



Бахром АБДУРАҲИМОВ сурати

Фахр, ишонч ила юртим қўрийман!

ШУ СОНДА

- Ташаккурномалар топширилди — 4
- Эгизак аскарлар сержант бўлмоқчи — 5
- «Энг илғор гуруҳ» – дала-ўқув машқида — 6
- 105 ёшли онахонга юксак давлат мукофоти — 8
- Ҳаваснинг хатарли йўли — 10
- Ҳарбий қисмда бекалар беллашуви — 11
- Орбитада қуёш электростанцияси қурилади — 16
- «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари — 18
- Дафтар муқоваси тарбия воситасими? — 19
- Ёзги олимпиаданинг иккинчи босқичи — 22



3 ДОЛЗАРБ МАВЗУ
МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК



6 МАҲОРАТ
ДОИМО ИЛҒОРЛАР САФИДА



18 ЁШЛАР
ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ



24 ОБУНА – 2010
«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИЖОДКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Хитойда XXIX Олимпия ўйинлари олдидан ўтказилган халқаро кўргазмада ҳамюртимиз Вячеслав Усеиновнинг ижодий ишлари олтин медалга сазовор бўлгани, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевнинг эса жорий йилда Малайзия санъат институтида ўтказган ёғоч ўймакорлигидан маҳорат сабоқлари мамлакатимиз рассомларининг халқаро алоқаларининг амалдаги самараси бўлди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида шу муносабат билан ўтган тадбирда уста ва ҳунармандлар, мусаввирлар, санъатшунослар, мураббийлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь, Малайзиянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулазиз бин Ҳорун мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш, миллий маданият ва санъатни изчил ривожлантириш, умрбоқий анъана ва қадриятларни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Юзга яқин мамлакат ижодкорлари ўз асарлари билан иштирок этган XXIX Олимпия ўйинлари доирасидаги халқаро кўргазмада В.Усеиновнинг «Шойи ўрамлар топографияси» мавзуидаги иши намойиш қилинганди. Асар спорт ўйинларининг қадимий Буюк ипак йўли орқали ривожланишига бағишланган.

В.Усеиновнинг асарлари юртимизда 2005 йилда ўтказилган халқаро биенналеда биринчи мукофотга лойиқ топилиши билан бирга АҚШ, Франция, Италия, Япония, Австрия, Исроил каби давлатлардаги музейлар, галереялар, шахсий тўпламларда сақланмоқда.

Тадбирда В.Усеиновга халқаро кўргазма олтин медали топширилди.

Тошкентлик ёғоч ўймакор уста С.Раҳматуллаев Бухоро, Самарқанд, Урганч, Хива, Тошкент шаҳарларидаги тарихий ва меъморий обидаларни таъмирлаш, безаш, қайта тиклашда фаол иштирок этган. Унинг ўймакорлик ишлари бежиримлиги, нозиклиги, қадимий усул ва анъаналарни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир. Шу боис С.Раҳматуллаевнинг ижод намуналари хорижда ҳам жуда қадрли. С.Раҳматуллаев Малайзия санъат институтида талабаларга, санъатшуносларга, ҳамкасбларига Тошкент ёғоч ўймакорлик мактаби ҳақида туркум маҳорат сабоқлари ўтказди.

– Истиқлол уста ва ҳунармандлар, мусаввирларга ижод эркинлигидек олий неъматни берди, – дейди С.Раҳматуллаев. – Юртимизда ижод аҳли учун яратилган имконият ва шароит бизни жуда руҳлантиради, изланишга, янада унумли ва самарали фаолият кўрсатишга ундайди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Вести из подразделений

ПОЛИГОН НЕ ЗНАЕТ ПОКОЯ

Успешный исход современного общевойскового боя во многом зависит от умелых инициативных действий снайперов, гранатометчиков и других специалистов мотострелковых подразделений.

– На первом этапе сборов, – рассказывает офицер Б. Сувонов, – все солдаты еще раз изучили необходимые документы, устройство и правила стрельбы из соответствующего оружия. И только после сдачи всех необходимых зачетов, они были допущены к практическому выполнению стрельбы.

Старший лейтенант Даврон Лутфуллаев, лейтенанты Эльер Хасанов, Давлат Мухиддинов прилагают максимум усилий, чтобы обучить гранатометчиков действовать смело, решительно, инициативно, использовать в бою на полную мощь возможности своего грозного оружия.

...Один за другим выходят на огневой рубеж рядовые Бахтияр Исажанов, Махмуд Камилов, Абдурасул Шеров и их сослуживцы. У них порой не все получается, как хотелось бы, но по тому, как внимательно прислушиваются они к наставлениям командиров, как старательно действуют на огневом рубеже, невольно убеждаешься: все они гордятся своей воинской специальностью и стремятся стать настоящими профессионалами.

Среди тех, кто покинул огневой рубеж, поразив почти все цели, рядовые Санжар Эгамов, Дилшод Мелиев, Абдурасул Шеров и многие другие. Нелегко попасть в цель первой же гранатой, но именно это обеспечивает внезапность нанесенного удара и конечный успех в бою.

...Время подходило к обеду, на учебных точках завершались занятия, спадал накал боевой учебы. Но это ненадолго. Вскоре на полигоне по расписанию появятся другие подразделения, свое мастерство продолжат оттачивать мотострелки, танкисты, артиллеристы, разведчики.

Одним словом, полигон не знает покоя. Своей боевой учебой военнослужащие Вооруженных Сил стремятся внести свою достойную лепту в обороноспособность страны.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

УМРИНИ МАРДЛИККА ЧОҒЛАГАН ПОСБОН



Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муродилла Пардабоевнинг шарафли ва масъулиятли соҳа бўлган мардлар касби ҳарбийликка кириб келиши тасодиф эмас. У мазкур соҳага ёшлигидан меҳр қўйди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бу ҳақдаги адабиётларни севиб мутолаа қилиш ва кинофильмларни берилиб томоша қилиш бўлажак посбоннинг энг маромқли машғулоти эди. Шу тариқа спорт билан шуғулланиб, ўқиб-ўрганиб, тайёргарлигини мустаҳкамлаб борган ўғлоннинг муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши эзгу орзуларининг амалга ошишида ажойиб имконият бўлди.

Аскарлик даврида соҳа ҳақида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган Муродилла муддатли хизматни якунлаш арафасида шартнома бўйича хизмат қилишга қолиш истагини қўмондонликка маълум қилганида, интилувчан ва шижоаткор ўғлоннинг ушбу қарорини улар ҳам маъқул топишди. Юрт осойишталигини таъминлашдек эзгу мақсадни ҳаёти мазмуни деб билади ўғлон. Келажагини, орзулари рўёбини айнан шу соҳадан топишга ишонди.

Мана, бугун уни нафақат ўзи хизмат қилаётган ҳарбий қисм, балки Қуролли Кучларимизда кўпчилик яхши билади. Вазифани сидқидилдан, сифатли ва ўз вақтида адо этиши, фидойилиги ва соҳага меҳри баландлиги сабаб ўғлоннинг сафдошлари орасида ҳурмати баланд. Айниқса, ўтган йили Бухоро вилоятининг Когон туманида юз берган фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этишда кўрсатган матонати ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Фидойи ва маҳоратли посбон – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муродилла Пардабоев Президентимиз Фармонига биноан Ватан ҳимоячилари куни арафасида "Жасорат" медали билан тақдирланди. Билдирилган ишонч ва юксак эътибор ифодаси бўлган мазкур мукофот посбонни яна ҳам руҳлантириб юборди.

– Камтарин хизматларимга берилган юксак давлат мукофоти мени яна ҳам олға ундайди, – дейди қаҳрамонимиз. – Албатта, ушбу натижага эришишимда кўпчиликнинг ҳиссаси бор. Бу борада менга тўғри тарбия бериб, оқ ювиб-оқ тараб ўстирган ота-онамни, таълим берган ўқитувчи ва мураббийларимни, ҳарбий соҳа сир-асрорларини ўргатган командирларимни ва ҳар дам кўмакка шай турган сафдошларимни асло унутмайман. Бундан буён ҳам бурчимни шараф билан ўтаб, кўрсатилган эътибор ва билдирилган ишончга, Ҳарбий қасамёдимга содиқ бўлиб қоламан.

Дарҳақиқат, Муродилланинг ҳар жиҳатдан етук салоҳиятли посбон бўлиб шаклланишида ўз касбининг усталари бўлган маҳоратли офицерлар Зафар Камолов, Равшан Разумов, Зоҳид Нишонов, Қурбон Гадоев ва Фазлиддин Назаровларнинг ҳиссалари катта. Улардан соҳа бўйича олган билим ва кўникмалари, бугун ўғлонни ана шундай юксак натижага етказди, десак хато қилмаймиз.

Ўғлоннинг эришган натижаларига назар ташласангиз, бунинг замирида ғайрат-шижоат, интилувчанлик ётганига амин бўласиз. Профессионал посбон Муродилла Пардабоев қоровуллик хизматини ўташ, дала машғулотлари, тайёргарликлар ва синовларда аъло натижаларни кўрсатиши, жамоа илғорлиги учун жон куйдириши, қўйилган жанговар вазифаларни адо этиши билан бир неча бор қўмондонликнинг рағбатига сазовор бўлган. Айниқса, ҳарбий хизмат ва спортнинг узвий алоқадорлигини яхши англаган посбон қўл жанги ва югуриш мусобақаларида биринчи ўрин соҳиби экани шижоаткор ўғлоннинг интилувчанлигини яққол кўрсатади.

Соҳаси бўйича зарур машғулотларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда Муродилла жанговар техника ва қурол-аслаҳаларга оид янгиликларни кузатиб боради, тарихий ва бадиий асарлар мутолаасини канда қилмайди. Сафдош дўстлари – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, сержант ва оддий аскарлар Баҳром Рустамов, Акбарали Эшонқулов, Рустам Тошбоевлар билан барча тайёргарликлар бўйича ўзаро мусобақадош. Бундай соғлом рақобат эса ҳар дам илғорлик ва пешқадамликнинг таъминланишида муҳим омил бўлмоқда.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

СЕРЖАНТЫ ЗАДАЮТ ТОН

– Добрая слава в нашем подразделении идет о младших сержантах Адхаме Тошеве и Орифе Сапарове, – говорит офицер Жалол Инамов. – Это хорошо подготовленные и ответственные за вверенный участок службы младшие командиры. Показывая подчиненным пример добросовестной службы, они не жалеют сил и времени для того, чтобы каждый из воинов успешно овладел солдатским мастерством.

Заместитель командира группы младший сержант А. Тошев постоянно работает с каждым солдатом индивидуально. Воспитывает у подчиненных сознательное отношение к воинскому долгу, организованность, трудолюбие и исполнительность, терпеливо учит их жить и служить по уставам. Как он сам признается, немало пришлось позаниматься с рядовыми Искандаром Шодмоновым, Ганижоном Парпиевым, Умидом Исроиловым и Камилом Темировым. Именно эти солдаты, по мнению младшего командира, в начале своей службы не проявляли должного рвения в службе, были безынициативны.

Не раз младший командир с ними беседовал, терпеливо разъяснял порядок прохождения службы, наблюдал за их поведением, организовал взаимопомощь среди военнослужащих. Все это помогло солдатам устранить имевшие место недостатки, стать примерными военнослужащими.

Младший сержант Л. Дустов обладает хорошими организаторскими способностями, умеет методически верно обучать и воспитывать подчиненных, ведь он еще до призыва в армию окончил Джизакский педагогический колледж и более года работал в школе учителем физкультуры, приобрел практический опыт. После срочной службы прошел обучение в Школе подготовки сержантов. Сам он хороший спортсмен, увлекается восточными единоборствами и личным примером увлекает заниматься спортом и своих подчиненных.

Немалая заслуга передового заместителя командира группы А. Тошева и в том, что его сослуживцы рядовые Умид Шарипов, Джурабек Исмаилов и Хамид Азизов, пройдя школу солдатского становления в этом подразделении, по завершении срочной службы в минувшем году стали курсантами высших военных образовательных учреждений страны.

Умелым командиром секции зарекомендовал себя и младший сержант О. Сапаров. Почти шесть лет назад он был призван на срочную службу. Прослужил в одном из отдаленных гарнизонов и не раз отличался при выполнении своего воинского долга. Уклад армейской службы пришелся по душе Орифу, и он с огромным желанием остался в армии уже в качестве военного профессионала.

Вначале был начальником КТП, а позже стал командиром секции, которую за короткое время вывел в число передовых. Понимая, что главное для воинов – это высокая боевая готовность и образцовое выполнение служебно-боевых задач, младший сержант О. Сапаров учит своих подчиненных в первую очередь тому, чтобы каждый воин отлично знал свои функциональные обязанности, был готов морально и физически умело действовать в любой, даже самой сложной, экстремальной обстановке.

Можно немало привести примеров, как активная работа сержантов положительно сказывается на результатах боевой подготовки частей и подразделений. Ведь возглавляемые ими группы, будучи лучшими в подразделениях, являются теми образцовыми коллективами, личный состав которых не только успешно справляется с поставленными задачами, но и полон решимости и в дальнейшем приумножить положительный опыт.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорда Юртбошимиз барча ташкилий-амалий ва маданий-маърифий тадбирлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини ва, албатта, хавфсизлик масалаларини ўзида мужассам этган «Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғоя асосида қурилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.


Мустақиллигимизнинг эълон қилиниши ўз ўзидан кун тартибига миллий хавфсизлик муаммосини қўйди. Чунки ҳозирги дунёда ишончли қуролли ҳимоясиз мустақил суверен давлат мавжуд бўла олмайди. 1992 йилнинг 14 январида мамлакат парламенти, ўша даврдаги республика Олий Кенгаши, ўз қарори билан мамлакат ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, ҳарбий-ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа ҳарбий уюшмаларни Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олди. Бу тарихий қарор бўлиб, мустақил республикамизнинг ўз Қуролли Кучлари яратилишига асос солди.

Шу тариқа, яъни 1992 йилнинг 14 январидан бошлаб, тарихан қисқа муддатлар ичида Қуролли Кучлар фаолиятининг ҳуқуқий базаси яратилди. 1992 йилнинг 3 июлида «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонунлар қабул қилинди, Ҳарбий қасамёд матни тасдиқланди ва «Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Янги қонунлар ҳарбий кадрлардан ҳарбий хизматга янгича муносабатда бўлиш ва янгича фикрлашни талаб этарди. Янги воқеликларга мос равишда муҳим ўзгаришларни амалга ошириш зарур эди ва бу борада бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, 1993 йилнинг 22 ноябрида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғи тўғрисида»ги Президент фармони имзоланиб, Қуролли Кучлар Жанговар Байроғининг ягона намунаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунига биноан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди.

1992 йилнинг 14 январидан 1995 йил бошигача бўлган давр Қуролли Кучларни барпо этиш ва фаолият тизимини шакллантириш даври бўлди. Шу йиллар мобайнида Қуролли Кучлар ташкилий-штат тизимида ўзгаришлар амалга оширилди, шахсий таркиб билан ишлаш бўйича командир ўринбосарлари, яъни тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар институти жорий этилди, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди, миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими яратилди.

1999-2000 йилларда содир бўлган воқеалар, халқаро террорчиларга қарши кураш миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш заруратини яққол намоён этди. **Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Юртбошимиз: «Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият**



бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда», деб таъкидлаган эди.

Ҳаётнинг ўзи, дунё ва минтақадаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, хавфсизлигимизга нисбатан таҳдидларнинг ошиб бориши **тубдан ҳарбий ислоҳот** ўтказиш масаласини кун тартибига қўйди.

Ҳарбий ислоҳотнинг концептуал асоси, зарурати ва имкониятига қандай омиллар ўз таъсирини ўтказди? Бир томондан – дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, хавфсизлигимизга нисбатан таҳдид ва хавфнинг кучайиши. Бошқа томондан – ўша даврга келиб республикамиз иқтисодий қудратининг ошиб бориши ва унинг ҳарбий ислоҳот каби кенг кўламли вазифаларни ҳал қилиш имконини бериши. Бунда Юртбошимиз ҳар қандай ислоҳот системали тарзда, Қуролли Кучлар олдида турган муаммоларнинг бутун мажмуини ягона мақсад билан қамраб олган ҳолда ўтказилсагина самарали бўлишидан келиб чиққан эди.

Бугун, мустақиллигимизнинг 18 йиллик айёми кенг нишонланаётган кунларда биз олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотнинг яққол намоён бўлиб турган натижаларини таъкидлаб ўтамиз. У Юртбошимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида аниқ ифодалаб берилган: **«Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди».**

Биринчи. Қуролли Кучлар қурилишининг ўзимизга мос миллий модели ишлаб чиқилди ва у амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида армиямизнинг давлат тузилиши тизимидаги, мамлакатимиз хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги роли ва ўрни тубдан ўзгарди. Бу нафақат қисм ва бўлинмаларнинг тузилишида, армия томонидан стратегик ва тактик вазифаларни ҳал қилиш хусусиятларида ҳам ўз ифодасини топди.

Иккинчи. Президентимиз ташаббуси билан муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати 18 ойдан 12 ойгача қисқартирилди, шартнома асосидаги хизматга, сержантларнинг роли ва мақомини оширишга устувор аҳамият қаратилди. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат тури жорий этилди, армияга чақирилувчи фуқаролар ва уларнинг оилалари билан боғлиқ ижтимоий масалалар тубдан ҳал этилди. Буларнинг барчаси қисқа муддатлар ичида ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш ва халқнинг армияга бўлган муҳаббати ва ишончини янада ошириш имконини берди. Армияда хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли иш, шарафли касбга айланди.

Учинчи. Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати, жанговар қобилиятини ташкил этувчи асосий омилларни аниқ белгилаб берди ва бунда у касбий маҳорати, маънавий-руҳий ҳолати, жисмоний тайёргарлиги ва интизомлилик даражаси билан белгиланувчи шахсий таркиб сифатини биринчи ўринга қўйди. Айнан профессионаллик, юқори интеллектуал салоҳият, жисмоний тайёргарлик ва интизомлилик масалалари ҳарбий ислоҳотлар мобайнида шахсий таркиб тайёргарлиги асосини ташкил этди.

Тўртинчи. Ҳарбий ислоҳот аввал бошданоқ ҳарбий тафаккур ва ҳарбий соҳа амалиётининг энг замонавий ютуқларига асосланди. Компьютер ва ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услублари, энг янги тренажёрлар ўқув ва тарбия жараёнига киритилди ҳамда барча ҳарбий билим юртлари, қисм ва бўлинмалар улар билан тўла ҳажмда таъминланди.

Бешинчи. Стратегия, оператив маҳорат ва замонавий жанг тактикаси масалалари ривожига катта ҳисса қўшилди. Ҳарбий ҳаракатлар театридаги жанговар ҳаракатлар характерининг террорчиликка қарши йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, Юртбошимиз ташаббуси билан тезкор, локал жанговар операциялар олиб боришга шай бўлган ихчам, уюшқоқ, тезкор қисм ва бўлинмалар ташкил этилди.

Олтинчи. Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилди, олий ҳарбий билим юртларининг фаолияти ислоҳ қилинди. Жумладан, олий ҳарбий билим юртларининг интеллектуал жиҳатдан ривожланган, кенг билимларга эга бўлган, стратегик фикрловчи офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилди. Қуролли Кучлар шахсий таркибининг сиёсий, маънавий-руҳий тайёргарлиги замонавий илмий-амалий асосга қўйилди. Барча даражадаги командирлар фаолияти ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий, ахлоқий сифатлар, фаол ҳаётий позиция ва ватанпарварлик, Ватан тақдири учун масъулият, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан Ислом Каримов номига йўллаган байрам табригида: **«Улкан аҳамиятга молик қўшалоқ айём муносабати билан минтақавий ва глобал тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги Ўзбекистоннинг собитқадамлиги ва шахсан Сизнинг саъй-ҳаракатларингизни қайд этиш менга мамнуният бағишлайди»,** деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.


Бугун биз юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва мамлакатимизнинг тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлмиш Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг тантана қилмоқдамиз. Шу билан биргаликда, биз бугунги кунда Ватанимиз хавфсизлиги – ҳар биримизнинг, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг, биринчи навбатда Ватан ҳимоячиларининг муқаддас иши эканлигини ҳар доимгидан-да яхши тушунамиз. Шу сабабли ҳам доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш, доимо ҳушёр ва сергак бўлиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчидир!

А.ХЛИЗОВ.

АНЪАНА

ТАШАККУРНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар натижасида замон талабларига тўла жавоб бера оладиган, давлат суверенитети, халқ тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, профессионал армиямизга эга бўлдик. Бугун ҳарбийлик юртимизда кўпчилик орзу қиладиган касбга айлангани, халқимиз ва ёшларимиз онгида шарафли соҳага муносабат тубдан ўзгаргани барчамизга маълум. Бунда миллий армиямизда шаклланаётган янгича анъаналарнинг ҳам таъсири, аҳамияти катта.



Маълумки, жорий этилган анъанага кўра Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига биноан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда эришган ютуқлари, ҳарбий ислоҳотларда фаол иштироки, юксак интизоми ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси инобатга олиниб, бир қатор ҳарбий хизматчиларимизнинг ота-оналарига Ташаккурномалар йўлланди. Жойларда бўлиб ўтган байрам тантаналари давомида улар ота-оналарга тантанали топширилди. Ана шундай Ташаккурномалардан бир нечтаси Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

– Бугун жуда бахтиёрман, – дея сўз бошлади оддий аскар Аваз-хўжа Тўлқинхўжаевнинг онаси Муҳаббат Муҳиддинова. – Ўғлимнинг Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этиши бизга мана бундай Ташаккурномалар юборилишига сабаб бўлди. Фарзандимнинг берган ўгитларимизга қулоқ тутиб, том маънодаги юрт посбони бўлиб етишганидан хурсандман.

– Очиғи, жуда ҳаяжондаман. Ўғлимнинг эгнига ҳарбий либос кийиб, Ватанига муносиб ўғлон бўлганидан бир қувонсам, у сабабли бугун уйимизга Ташаккурнома келганидан янада севиниб, меҳрим товланиб турибди. Фарзанди ортидан раҳмат эшитиш ҳар бир ота-онага ўзгача қувонч бағишлайди, – дейди оддий аскар Ҳусан Абдужабборовнинг онаси Римма Абдужабборова.

– Бугун оиламизда қўшалоқ байрам. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўғлимизнинг Ватан тинчлигини мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатлари учун бизга Ташаккурнома топширилди. Унда битилган илиқ сўзларни ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Фарзандим ҳам қатъияти, шижоати юксак Ватан ҳимоячилари орасида эканидан жуда фахрландим, – дейди янгийўллик оддий аскар Сиддиқжон Ибрагимовнинг отаси Ҳакимжон Ибрагимов.

Тадбир сўнгида аскарларнинг ота-оналари сўзга чиқиб, фарзандларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун ҳукуматимиздан мамнун эканликларини билдиришди. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: **«...Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим».** Мазкур тадбир мисолида ана шу сўзларнинг амалда қарор топаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

ПЕШҚАДАМЛИККА ЧОРЛОВ

Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги арафасида қатор ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг Ташаккурномалари йўлланди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳам мазкур ташаккурномаларни ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Бўлим шахсий таркиби, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокидаги тадбирни офицер Ориф Бердибоев очар экан, жумладан шундай деди:

– Миллий армиямиз сафларига жўнатилган шунқорларимиз бугун ота-онаси, оила аъзолари, маҳалладошлари, қолаверса, туманимиз номига миннатдорчиликлар олиб келмоқда. Барча сингари биз ҳам, албатта, уларнинг ютуғидан мамнунмиз. Навбатдаги чақирувга тайёргарлик жараёнида муддатли ҳарбий хизматга бориш иштиёқида ёнаётган йигитларга уларни ибрат қилиб кўрсатамиз.

– Абдуғанидан бениҳоя хурсандман, – дейди Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан Ташаккурнома олган оддий аскар Ҳакимовнинг бобоси Ҳакимжон ота Расулов. – Тиббиёт коллежида яхши ва аъло баҳоларга ўқиган неварам келгусида тиббиёт соҳаси ходими бўлиш ниятида. Бугун эгнига ҳарбий либоси ярашиб турган болажонимни куни келиб, оқ халатда кўриш насиб этади деган умиддаман.

– Ўғлим сабаб, бугун яна бир бор эъзозу эътибордаман, – дейди Фарруҳ Абдуазимовнинг онаси Мавлуда опа. – Ота-она учун фарзанд камолини, муваффақиятини кўришдан ортиқ бахт борми? Шундай экан, мен ўғлимнинг жамоадошлари ўртасида ўз ўрни ва ҳурматга эгалиги, хизматни намунали тарзда ўтаётганидан қувончим чексиз.

Шу ўринда, ҳар томонлама ўрнак бўлаётган ҳарбий хизматчиларни бундай тарзда рағбатлантиришнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Қайси касбда фаолият кўрсатишидан, ёшидан қатъи назар ҳар бир инсонга эътироф ва эътибор зарур. Бу уни руҳлантиради, кучига куч қўшади. Демак, Ватан ҳимоячиларини, аниқроғи, уларнинг ота-оналарини бундай тарзда руҳлантириш, улардан эътиборни аямаслик Ватан ҳимоячиларини аълочи, илғор, юксак эътирофга сазовор бўлган сафдошлардан ўрнак олишга, уларга тенглашишга чорлайди.

Ишончимиз комилки, Ташаккурномаларни олган падари бузруквор, муҳтарама онахонларнинг кўнгли фарзанди, унинг Ватан мудофаасини мустаҳкамлаш, юрт тинчлигини сақлаш йўлидаги хизмати учун янада фахр туйғуси ва миннатдорчилик ҳисси билан тўлиб тошди.

Капитан Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Муаллиф суратга олган.



ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ

Мустақиллик халқимизга жуда кўплаб имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳар бир инсоннинг Ватан, эл-юрт олдидаги фидокорона хизматлари бугун ҳукуматимиз томонидан юксак эътироф этилмоқда. Албатта бундайин эътироф кишиларимизни яратувчанликка, янгиланишларга ундаши шубҳасиз.

Маълумки, мустақиллик байрами ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси, ҳарбий жамоа фаолиятидаги муваффақиятли иштироки учун бир қатор ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Мудофаа вазири ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан Ташаккурномалар йўлланиши анъанага айланиб улгурган.

Мана шундай шарафга муяссар бўлган муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Ҳакимжон Юсупов дил сўзларини қуйидагича баён этди.

– Истиқлол менга, тенгдошларимга жуда кўп имкониятларни берди. Шу боис ҳам ўзимни истиқлол фарзандиман, дея айта оламан. Ёшлигимдан миллий армиямиз сафларида аскар бўлиб хизмат қилишни кўнглимга тукқан эдим. Ўзимни ҳар томонлама бунга тайёрлаб бордим. Ниҳоят, туман мудофаа ишлари бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилдим. Ота-онам ва яқинларим билан бу кунни байрамдек қаршилаганмиз. Чунки ҳар бир ота-она учун ўғлининг камолини кўриш, ҳақиқий эр йигит бўлганлигини англаши улкан бахт, деб биламан. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, юрт ҳимоясига отландим. Армияга келиб, бу ерда биз аскарлар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, қалбимда Ватанимга бўлган меҳрим янада кўпроқ жўш урди. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда фаол, интизомли аскар бўлишга, командирлар топшириғини бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилаяпман. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан бир қатор ҳарбий хизматчилар қатори менинг ҳам ота-онамга Мудофаа вазирининг Ташаккурномаси йўлланганлиги янада ғайрат ва шижоат, куч бағишлади. Шундайин шарафга муносиб топилганимдан фахрланаман. Билдирилган бундайин юксак ишончни оқлаб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида бор билим ва маҳоратимни ишга солиб, вазифамни виждонан адо этишга ваъда бераман. Хизматдан сўнг, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширишни ҳамда Қуролли Кучларимиз сафида офицер сифатида юртимга садоқат ила хизмат қилишни ўз олдимга энг олий ва эзгу мақсад қилиб қўйдим. Шу боис ҳарбий соҳа билимларини мукаммал эгаллашга интилаяпман.

Фирдавс АҲРОРОВ.

ФАРЗАНДЛАРИМ ФАХРИМДИР

Эр йигит улғайса, юрт қўрийди, деган гапни бот-бот эшитардим болалигимда. Аждодларимиз томонидан айтилган бу ибратомуз ҳикмат моҳиятини бугун ўзим ота бўлгач, англаб етгандайман.

Менинг ҳам ҳарбийларга ҳурматим баланд. Улар сабаб юртимиз осойишта, элимиз фаровон, истиқлолимиз бардавом бўлишини қалбдан ҳис қиламан. Армия миллатнинг ғурури, ишончи саналади. Президентимизнинг: **«...Ўз истиқлоли ва ўзодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қила олмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат қилишга, бўйин эгишга мажбур бўлади»,** деган гапларида айни шу тарихий ҳақиқат мужассам. Фарзандларимга тарбия бериш асносида уларни аждодларимиз анъаналарига содиқлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратдим. Уларнинг ўқиб, бирор ҳунар эгаси бўлишлари, эл корига камарбаста инсонлар сифатида улғайишлари йўлида астойдил ҳаракат қилдим. Чунки илму ҳунарда гап кўп, илмли, ҳунарли ҳеч қачон хор бўлмайди.

Бугун дунёда мендан бахтиёрроқ ота йўқ, десам сўзларимни муболағага йўйманг. Бу аслида ҳам шундай. Чунки айни дамда Қуролли Кучларимиз сафларида бир эмас, икки нафар фарзандим хизмат қилаётир. Улар сабаб эл-юрт ичра қаддим тик, ҳурматим баланд.

Ўғилларим Ҳасан ва Ҳусан Абдужабборовларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганига ҳам ярим йилдан ошди. Ота-оналик меҳри тинч қўймай, у хизмат қилаётган ҳарбий қисмга борганимизда, фарзандларимизнинг анчайин ўзгарганлигини, энди улар илгариги содда, шўх йигитчалар эмас, юз-кўзларида қатъият акс этган ўғлонларга айланганига гувоҳ бўлдим. Ҳа, армияни бежизга "ҳаёт мактаби" деб атамасликларига, унда фарзандларимиз ҳар томонлама тобланиши, чиниқиши, ҳақиқий эр йигит мақомига сазовор бўлишига ана ўшанда амин бўлгандим. Шу дамда менинг фарзандим ҳам Ватан ҳимоячиси деган қутлуғ номга муносиб топилганидан, кийган либослари ўзларига ярашиб турган сара ўғлонлар орасида қўр тўкиб турганидан бениҳоя қувонган, фахрланган эдим.



Буни қарангки, Ҳусанимиз акасидан кўра уддабуронроқ чиқди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан Ташаккурнома йўлланган қувончимизга қувонч қўшди. Фарзандларим аъло баҳолар билан тамомлаган Пискент туманидаги умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи жамоалари ҳам бундан мамнун бўлиб, бизни қутлашди. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Ота-она учун фарзандининг ортидан яхши гап, миннатдорчилик эшитиш нечоғли тотли бўлишини ана шунда яна бир бора англадим. Мамлакатимиз сарҳадларини мардона қўриқлаётган йигитлар сафида ўғилларимнинг ҳам хизмат қилаётгани, берган тарбиямизни оқлаб, насиҳатларимизга амал қилиб командирларининг назарига тушишганидан чексиз ғурур ҳиссини туйдим. Ҳадемай оиламиз бағрига қайтадиган фарзандларимнинг келгусида ҳам юзимизни ёруғ қиладиган, эл корига камарбаста бўладиган инсонлар бўлишига, бунда унга "ҳаёт мактаби"да олган сабоқлари ниҳоятда асқотишига ишонаман.

Абдурасул АБДУЖАББОРОВ.
Тошкент вилояти, Пискент тумани.

ASKAR

MARDLIK MAKTABINING EGIZAK O‘G‘LONLARI

A’lochi posbonlar haqida so‘z ketganda harbiy qism komandirining tarbiyaviy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari mayor Asqar Safarov oddiy askarlar Hasan va Husan Obilovlarning nomini birinchi bo‘lib tilga olgani e‘tiborimni tortdi. Ko‘z oldimda bir tomchi suvdek bir-biriga o‘xshagan o‘g‘lonlar gavdalandi-yu, ular bilan suhbatlashishga shoshildim. Ha, yanglishmagan ekanman. Bir xil qaddi-bo‘y, bir xil chehra, harbiy libos egnilariga quyib qo‘ygandek yarashgan egizak posbonlar bilan bo‘lgan suhbat menda katta taassurot qoldirdi. Avvalo, shunday g‘ayratli, el yukiga yelka tutadigan o‘g‘lonlarni voyaga yetkazgan ota-onasiyu, tug‘ilib o‘sgan go‘shasi haqida so‘z yuritsak.



Hasan va Husan Qashqadaryo zaminida voyaga yetishgan. Vohaning Qamashi tumaniga qarashli G‘alaba qishlog‘ida bog‘bon, fermer Yusuf aka va Jamila opalar xonadonining o‘z o‘rni bor. Ayni damda ushbu oilada besh farzand voyaga yetayapti.

– Harbiy xizmat Husan ikkimizning ham kelajagimiz bilan bog‘liq rejalarimizni o‘zgartirib yubordi, – deydi Hasanjon suhbat jarayonida. –Bunda albatta yigitlik maktabidagi ustozlarimizning katta o‘rni bor. Yosh askarlar yig‘inidan boshlab bizga harbiy san’at sirlaridan saboq berib kelayotgan serjantlar Azim Nazarov, Furqat Artig‘aliyevlardan cheksiz minnatdormiz. Chunki ular nafaqat xizmat sinovlarida toblanishimizga, balki soha bo‘yicha bilimlarimiz boyishiga ham zamin yaratishdi. Ya’ni, ushbu sohaga mehr qo‘yishimizda barcha ustozlarning o‘rni katta.

– Huddi shunday, – suhbatni davom ettiradi Husanjon. – Biz safdosh do‘stlarimiz oddiy askarlar Jamol Rashidov, Shohakbar Suyunov, Azamat Suyunovlar bilan birgalikda ko‘p narsaga erishdik. Biroq xizmatda o‘rin topishning o‘zi bo‘lmaydi. Buning uchun ustozlar bergan saboqdan unumli foydalangan holda jiddiy shug‘ullanish, har bir topshiriqqa e‘tibor bilan yondashish lozim. Kelajakda shartnoma bo‘yicha xizmatga qolib, ona Vatanimiz tinchligi va istiqlolni munosib himoya qilmoqchimiz.

Armiyani mardlik maktabi deya ta’riflashadi. Bu bejiz emas albatta. Chunki muddatli harbiy xizmat o‘tagan yigitlarda ulkan o‘zgarishlarni kuzatish mumkin. Shuni alohida ta’kidlash joizki, yigitlarimizning yetuk posbon sifatida qad rostlashlarida harbiy qism va muassasalarda barcha sharoitlar mujassam. Hasan va Husan Obilovlar xizmat o‘tayotgan harbiy jamoada ham xuddi shunday. Zamon talabi asosida jihozlangan mashg‘ulot xonalari, sport bilan shug‘ullanish uchun yaratilgan sharoitlar, barcha yo‘nalishdagi kitoblarni o‘zida jamlagan kutubxona, shinam dam olish xonalari, xullas, bu yerdagi sharoitga havas qilsa arziydi.

Egizak qahramonlarimiz suhbat davomida sport bilan shug‘ullanishlari, kitob mutolaa qilishlari haqida to‘xtalib o‘tishdi. Dunyoqarashi, fe’l-atvori, ezgu istaklari bir-biriga yaqin bo‘lgan bu o‘g‘lonlarning harbiylikdek sharafli kasbga muhabbati bizni quvontirdi. Inson o‘zi sevgan, mehr qo‘ygan kasbida fidoyilik ila xizmat qiladi. Vatan himoyasi esa aynan fidoyilikni talab qiladi. Umid qilamizki, oddiy askar Hasan va Husan Obilovlar ko‘zlagan maqsadlariga erishib, yurtimizning munosib qalqoni bo‘lishadi.

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

HARBIY SHIFOKOR BO‘LMOQCHI

Qalbida ona zaminga, yurtiga cheksiz mehr mujassam, el osoyishtaligini ta’minlashga hissa qo‘shish istagi bilan yongan, harbiylikni shon-sharaf ishi, deb bilgan o‘g‘lonlargina Vatan himoyachisi bo‘ladilar. Zotan, tug‘ilib o‘sgan yurtga, kasbiga mehrgina insonni mardlikka, sadoqatga, fidoyilikka undashga qodir.



Qurolli Kuchlarimiz safida o‘z yigitlik burchini o‘tayotgan oddiy askar Umid Ashurov ham yurt qo‘rishni sharaf, deb bilganlardan. Komandirlari, safdoshlari u haqda iliq fikrlarni bildirishi ham shundan.

– Oddiy askar Ashurov qismimizdagi faol, bilimdon askarlardan, – deydi serjant Ulug‘bek Yusupov. – Unda sohaga qiziqish, harb ilmini puxta o‘zlashtirishga intilish kuchli. Buni xizmatni boshlagan ilk kezlardanoq a’lochi posbon sifatida e’tirof etilganidan ham bilish mumkin. Armiyamiz saflarida ana shunday jismonan barkamol va ma’nan yetuk yigitlarning xizmat qilayotgani tinchligimiz ishonchli qo‘llarda ekanidan.

– Armiyani bejizga hayot maktabi deb atashmas ekan. Bu yerda har taraflama chiniqayapman, toblanayapman. Shuningdek, yigit kishi uchun kerak bo‘lgan ko‘p narsalarni o‘rganmoqdaman. Hozirda ofitserlar H. Holmirzayev, D. Isroilov, B. Ulkanov, serjantlar M. Muzaffarov, U. Yusupovlardan sohaga oid bilimlarni puxta o‘zlashtirishga harakat qilayapman. Ayniqsa, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik bo‘yicha mashg‘ulotlarda sohaga oid bilimlarimizni boyitmoqdamiz.

Termiz tumanidagi «Ayritom» mahallasida voyaga yetgan o‘g‘lon – oilada to‘ng‘ich farzand. O‘zbek xonadonida bosh farzandning zimmasida nechog‘li mas’uliyat bo‘lishini ko‘pchilik yaxshi anglaydi. Chunki ukalar, singillar aynan uning xatti-harakatidan, muomalasidan, axloqidan ibrat oladi, shunga intiladi-da. Buni yurakdan his qilgan o‘g‘lon mahalla-ko‘yda ham, o‘qishda ham faol, serg‘ayrat, mehnatsevar bo‘lishga harakat qilib keladi. Undagi bu xislat muddatli harbiy xizmatni o‘tash mobaynida ham o‘zini namoyon qildi. Bu esa posbonning komandirlari nazariga tushishiga sabab bo‘ldi.

Haydovchi-feldsher vazifasida xizmat qilayotgan posbon harb ilmiga oid saboqlarini katta qiziqish bilan o‘zlashtirish bilan birga qism tibbiyot punktida ham harbiy shifokorlar, hamshiralardan soha sirlarini o‘rganishga harakat qiladi.

– Oddiy askar Ashurovning tibbiyotga qiziqishi kuchli, – deydi harbiy qism tibbiy punkti boshlig‘i, tibbiy xizmat mayori Hikmatulla Holmirzayev. – Hayotda biror yutuqqa erishishda insondagi qiziqish birlamchi ahamiyat kasb etadi. Ko‘ngil qo‘ygan soha, kasbgina kishi umriga mazmun kiritadi, uni yuksakliklarga chorlaydi. Jangovar, ijtimoiy-siyosiy, taktik va jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlaridan, zimmasidagi vazifani ado etishdan ortib, o‘zi sevgan mashg‘ulot bilan shug‘ullanish, kerakli bilimlarni o‘zlashtirishga ham vaqt topayotgani uning intiluvchanligini ko‘rsatadi.

– Shifokorlar sulolasining davomchisi bo‘lganim uchunmi, odamlar dardiga malham bo‘lish, bemorlarga shifo ulashishni ezgu ish deb bilaman, – deydi posbon. – Amakilarim, otam – oliy toifali shifokor, onam esa dorishunos. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab bo‘lgach, Toshkent tibbiyot akademiyasiga o‘qishga kirmoqchiman. Kelgusida yurt posbonlarining salomatligiga mas’ul harbiy shifokor bo‘lish – eng katta orzularimdan biri.

Jamshid SOBIRQULOV.
Muallif suratga olgan.

ORZULARI ULKAN


Istiqlol tengdoshlari! Har gal ular haqida gapirilganda yuragimiz faxr va g‘urur tuyg‘ulari bilan to‘ladi. Chunki bundan 18 yil muqaddam dunyoga kelgan yigit-qizlar ayni paytda balog‘atga yetdi, kuch-quvvatga to‘lib, yurt yukiga yelka tutadigan navqiron yoshda. Ularga qarab, ozod va obod yurtimizning kelajagini ko‘ramiz. Bizni quvontiradigani, iqboli porloq bu yoshlarning ko‘pchiligi bugun milliy armiyamiz saflarida o‘z yigitlik burchlarini o‘tab, Vatanimiz tinchligi va osoyishtaligini asrash yo‘lida kamarbasta bo‘lmoqdalar. Lavhamiz orqali sizga hikoya qilmoqchi bo‘lganimiz, oddiy askar Boburjon Boboqulov ana shunday olovqalb yoshlardan biri. Hozirda u harbiy qismda o‘z yigitlik burchini o‘tamoqda.

Yigitlik burchi, armiya xizmatining bugungi nufuzi haqida ko‘p bora so‘z yuritamiz. Biroq har gal shu mavzuda gap borsa ko‘ksimizni hayajon egallaydi. Buning sababi bitta. Ya’ni mustaqil yurtimizning mustahkam kuch-qudratga ega bo‘lgan o‘z milliy armiyasi, uning saflarida xizmat qilayotgan, savlatidan g‘ayrat va shijoat yog‘ilib turgan Boburjondek o‘g‘lonlari bor. Bu ham qalbimizni iftixorga to‘ldiradi.

Sir emaski, yigitlarni muddatli xizmatga chaqirish sinovlari yildan yilga qat’iy talablar asosida amalga oshirilayapti. Va albatta, posbonlarga ko‘rsatilayotgan e’tibor va g‘amxo‘rlik ham o‘zining yuksak e’tirofiga ega. Ularni armiya safiga kuzatish marosimlaridan tortib, xizmat jarayonida berilayotgan saboqlar, zaxiraga bo‘shatilgan yigitlarni ish bilan ta’minlash, oliy o‘quv yurtlariga kirish uchun muhim imtiyoz –tavsiyanomalar berish kabi qator e’tiborga loyiq yangilanishlar bugun amalda. Armiya bugun yigitlarimiz uchun ana shunday imkoniyatlar eshigini ochayapti. Biroq yigitlarimiz uchun eng asosiysi – Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilish. Buni ular muqaddas burch deb biladilar. Shuning uchun ham belgilangan talablarga javob berib, harbiy xizmatga loyiq topilish o‘g‘lonlar uchun ulkan sharaf. Boburjonga esa bu borada omad kulib boqqan, deyishga haqlimiz. Uning sinovlardan muvaffaqiyat bilan o‘tib, yurt tinchligini asrashdek ezgu ishda javlon urayotganiga mana, olti oy bo‘layapti.

– Harbiy xizmatning o‘ziga xos, unutilmas lahzalari ko‘p, – deydi qahramonimiz biz bilan suhbatda. – Xizmatda kechgan dastlabki oylar men uchun haqiqiy sinov onlari bo‘ldi. Posbonlar burchini mukammal egallash, men o‘ylagan darajada oson emasligini, buning uchun bilim va iqtidor, tinimsiz harakat va qat’iyat zarurligini anglab yetdim. Hozirda a’lochi posbonlar safidan joy olish uchun astoydil intilayapman. Xizmatda kechayotgan har bir jarayon bizni katta hayotga tayyorlab borayotganini his qilaman. Yigit kishi uchun zarur bo‘lgan shijoat, mardlik, kuchli va irodali bo‘lish Vatan, el-yurtning tinchligini saqlashga bo‘lgan qodirlik kabi xislatlar bizga xizmat jarayonida singdirib borilmoqda. Harbiy qismimizda posbonlarning bo‘sh vaqtini maroqli o‘tkazishlari uchun ham alohida e’tibor qaratilgan. Men bundan onlarda sport bilan shug‘ullanishni, kitob mutolaa qilishni yoqtiraman. Maqsadim, xizmat burchimni talab darajasida uddalab, ota-onam ishonchini oqlash.

– Oddiy askar Boboqulov o‘zining faolligi bilan ajralib turadi, – deydi ofitser Jahongir Muhammyedov. – Shu bilan birga har qanday sharoitda safdoshlaridan o‘z yordamini ayamaydi.



Ko‘pchilikning hurmatiga sazovorligi ham ehtimol shundandir. U bundan buyon ham har doim yetakchilar safida bo‘lishiga ishonamiz.

– Men O‘zbekiston farzandi ekanligimdan faxrlanaman, – deydi Boburjon mamnuniyat bilan. – Shu mamlakatda kamol topdim, mana shunday dorilamon kunlarda yashayapmiz. Bu ham baxt. Kelajakdagi rejalarim ulkan. Fizik olim bo‘lishni o‘z oldimga maqsad qilib qo‘yganman. Nasib etsa, xizmatni yakunlab, Qarshi davlat universitetining fizika fakultetiga o‘qishga kirmoqchiman va shu soha bo‘yicha malakali mutaxassis bo‘lib, yurtimiz taraqqiyotiga munosib hissamni qo‘shsam deyman.

Orzu insonni yuksak marralarni zabt etishga chorlaydi. Bu hayotiy haqiqat. Chunki orzu bor ekan, intilish ham mavjud. Kishi qanchalik ko‘p orzu qilsa, hayotga qiziqishi ortadi, yashashga ishtiyoqi kuchayib boradi. Zero, orzu, umrga mazmun bag‘ishlaydi. Biz Boburjon bilan suhbatlashar ekanmiz, undagi ichki g‘urur va Vatanga bo‘lgan kuchli mehr tuyg‘usini sezib, nihoyatda xursand bo‘ldik. Aslida ham millatning asl farzandi mana shunday fidoyi va uyg‘oq qalb bo‘lishi kerak. Bugun esa istiqlol tengdoshlari orasida mana shunday yoshlarni ko‘plab uchratishingiz mumkin.

Gulnora HOJIMURODOVA.

МАҲОРАТ

Дала-ўқув машғулотларида

ДОИМО ИЛҒОРЛАР САФИДА

Айни кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда дала-ўқув машғулотлари кўтаринки руҳда давом этаяпти.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини муносиб кутиб олиб, уни кўтаринки руҳда нишонлаган ҳарбий хизматчиларимиз жанговар шайликни сусайтирмаган ҳолда ўз хизмат вазифаларини бажаришяпти. Айниқса, ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари уларнинг билим ва маҳоратлари ошишида, тажрибалари янада юксалишида муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу боисдан ҳам дала-ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтказилишига катта эътибор қаратилган. Айни кунларда қай бир қисмда бўлманг, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик бўйича олиб бораётган машғулотларига гувоҳ бўласиз.

... Катта лейтенант Жаҳонгир Шеров гуруҳига қўмондонлик томонидан топшириқ берилди. Бунга кўра, унинг гуруҳи муайян ҳудудда ҳаракат қилаётган шартли душманни қидириб топиши ва пистирма қўйиши ҳамда ҳужум уюштириб, яксон қилиши лозим. Доимо ўз вазифасига виждонан ёндашиб, қўл остидаги посбонларнинг билим ва маҳоратини шакллантириб келаётган командир одатдагидек гуруҳни йиғиб, қўйилган топшириқ бўйича қисқача маълумот берди. Посбонларни вазифаларига қараб гуруҳларга ажратди ва ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтирди. Офицер Ж.Шеров харитадан душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаб, белги қўйди. Биринчи навбатда қидирувни ташкиллаштириб, шартли душман ўрнашган жойни топиш ва атрофга пистирма қўйиш керак. Гуруҳ командири қўл остидаги посбонлар билан қоронғи тушгандан сўнг ҳаракат қилишга қарор қилди. Унга қадар эса, вазифани юксак савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишларини кўрди.

...Тун. Гуруҳ посбонлари тоғ дараси бўйлаб ҳаракат қилишмоқда. Ҳар бир посбон маскировкага жиддий эътибор бериб, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилишиб, йўналишда давом этишмоқда. Шу пайт гуруҳ мергани кичик сержант Қурбон Олимов алоқа воситаси орқали командирга шартли душман жойлашган ҳудудни кўраётгани ва уларнинг неча кишидан иборат эканлиги ҳақида ахборот берди. Офицер Ж.Шеров зудлик билан шартли душман ҳаракат қилиши кутилаётган йўлга пистирма ташкиллаштирди. Гуруҳ муҳандислари эса йўлни миналаштиришди. Асосий жанговар позицияни пулемётчи кичик сержант Абдумалик Юсупов ва гуруҳ автоматчилари эгаллашди. Шартли душман ҳаракатни давом эттирмоқда. Гуруҳ командири уларнинг миналаштирилган ҳудудга киришини кутиб, кейин ҳужум уюштиришга қарор қилди. Шартли душман биринчи портлашнинг ўзиданоқ саросимага тушиб, турли томонга қоча бошлади. Лекин жанговар позицияни эгаллаб турган посбонлар уларнинг барча йўлларини тўсиб, ҳужумга ўтишди. Шу тариқа шартли душман гуруҳи яксон қилинди. Офицер Ж.Шеровнинг гуруҳи юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани аъло даражада уддалашди.


– Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳоратининг ошишида, уларнинг жисмонан чиниқишида катта ўрин тутади, – дейди гуруҳ командири. – Шу боисдан жанговар тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратиб, ҳар бир посбоннинг ютуғини сафдошларига намуна қилиб, камчилигини тузатиб борамиз. Машғулотларни юқори савияда ўтказишимда менга кичик сержант Толиб Маҳкамов яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, у гуруҳда ўзаро дўстликни, ҳурмат ва уюшқоқликни ҳам таъминламоқда.

Дарҳақиқат, кичик сержант Т.Маҳкамов асл профессионаллардан. У гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида самарали фаолият кўрсатиб, посбонларга барча машғулотлардан юксак билим бермоқда.

– Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг мазмунига айланган, – дейди кичик командир. – Мана бир неча йиллардан буён шартнома асосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаяпман. Бу касбни эгаллаганимдан доимо фахрланиб келаман. Сержантлар тайёрлаш мактабида устоз-офицерлардан олган сабоқларим хизматим давомида жуда асқотмоқда. Гуруҳ посбонларига офицер Ж.Шеров билан биргаликда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича зарур билимларни бериб, улар маҳоратининг янада юксалишида муносиб ҳисса қўшиб келяпман. Шу боис гуруҳимиз ҳамиша илғорлар сафида. Янги ўқув йили машғулотларида ҳам фаол қатнашиб, юқори қўмондонлик ишончини оқлаб, ўз билим ва маҳоратимизни намоён қилиб, яна илғорлар сафидан жой олиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Офицер Жаҳонгир Шеровнинг гуруҳи қисмда «Энг илғор гуруҳ» дея эътироф этилиши ҳам бежизга эмас. Жамоадаги ўзаро дўстлик, жипслик ва ҳамжиҳатлик ҳамиша уларни илғорликка етаклайди. Бунда гуруҳ посбонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Дала-ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, билим ва маҳоратини намойиш қилиб, олдига қўйилган вазифани юксак даражада адо этган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қўмондонлик томонидан муносиб тақдирланишди. Ишончимиз комилки, улар бундан-да юқори натижаларга эришиб, Ватан тинчлиги йўлида жонбозлик ила хизмат қилишади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



САПЕРЫ ДЕЙСТВУЮТ РЕШИТЕЛЬНО

В процессе выполнения учебно-боевых задач на полевом выходе высоких показателей в воинском труде добиваются воины инженерно-саперного подразделения под командованием старшего лейтенанта Лутфулло Эргашева.

Служба в инженерно-саперных подразделениях требует от военнослужащих предельной внимательности и собранности, находчивости и смекалки, безупречного знания вверенного вооружения и военной техники. Проводя в полевых условиях практические занятия по «разминированию» заданных участков местности, извлечению взрывоопасных предметов, специалисты-саперы совершенствуют свое профессиональное мастерство и боевую выучку.

Среди тех, кого отмечают командиры, в первую очередь следует назвать таких военных профессионалов, как младшие сержанты Эркина Авазова и Дилшода Умарова. Они подают пример товарищам как в выполнении поставленных учебно-боевых задач, так и в воинской дисциплине, общественно-политической подготовке.

Сержантов не случайно называют первыми помощниками офицеров в деле организации боевой учебы, становым хребтом нашей армии. Так, умелым наставником подчиненного личного состава зарекомендовал себя командир секции инженерно-саперного взвода младший сержант Ортик Омонов. Увлекая своим личным примером, он на очередном практическом занятии значительно перекрыл установленные нормативы обезвреживания опасных предметов, умело применяя технические средства.

В инженерных подразделениях развернулось острое состязание на звание лучшего специалиста по воинской специальности. Личный состав активно участвует в соревновании, с отличными оценками в боевой учебе достойно встретили восемнадцатую годовщину Независимости нашей Родины.

Капитан М. ХАСАНОВ.

ОГОҲЛИК

МУСТАҚИЛЛИК – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Шу кунларда халқимиз Мустақилликнинг 18 йиллигини тантанали нишонламоқда. Истиқлол йиллари мобайнида юртимиз янада обод бўлди, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, илмий-маънавий жиҳатдан янада шаклланди.

Айём шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларининг бирида ҳарбий хизматчилар билан учрашиб дилдан суҳбат қурдик. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва хизматида, тақдирида биз учун энг азиз ва энг қадрли бўлган мустақиллик қандай роль ўйнаганлиги борасида савол-жавоб қилдик.

Капитан Ойбек Худойбердиев:

– Мустақиллик юртимизнинг ҳар бир фуқаросига кўплаб имконият берди. Мустақиллик туфайли мамлакатимиз суверен ва тўла ҳуқуқли давлатга айланиб, бу иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида сифат жиҳатидан тубдан ўзгаришларни амалга ошириш имконини бермоқда. Истиқлол болалик орзуим – офицер бўлиш ва ҳаётимни Ватанимга хизмат қилишга бағишлашнинг рўёбга чиқишида катта ёрдам берди. Мактабни тугаллаганимдан сўнг мен олий ҳарбий билим юртида таълим олдим. 2003 йилдан бошлаб Қоровул қўшинларида турли офицерлик лавозимларида хизмат қилиб келмоқдаман.

Яна шуни таъкидлашим лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар туфайли эртанги кунга умид, ишонч ортмоқда.

Кичик сержант Илҳом Тожибоев:

– Мустақиллик йилларида ҳарбий хизмат нуфузли ишга айланди. Ҳарбийларимизнинг мавқеи, мақоми янада юксалди. Бунга соҳада амалга оширилган ислоҳотлар ва мамлакатимиз раҳбариятининг ўз қуролли ҳимоячилари ҳақидаги доимий эътибори, ғамхўрлиги сабаб. Шунинг учун ҳам Қоровул қўшинлари қисмларидан бирида муддатли хизматни ўтаганимдан сўнг, хизматни шартнома бўйича давом эттиришга қарор қилдим.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Аслиддин Йўлдошев:

– Мен Қашқадарё вилоятиданман. Отам бутун умри мобайнида деҳқон бўлиб ишлади ва фақат мустақиллик туфайлигина ҳақиқий ер эгаси – фермерга айланди ва ҳозирда 160 гектар ерда буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда. Отам сингари деҳқонларимиз, бунёдкорларимиз юртимизни обод, фаровон қилиши учун ўз ҳаётимни ҳарбий хизматга бағишлашга қарор қилдим.

Муддатли хизмат оддий аскари Акмал Ашуров:

– Мамлакатимиз мустақилликка эришганида мен атиги тўрт ёшда эдим. Мен ва менинг тенгдошларим эришаётган барча ютуқлар – мустақиллигимиз самарасидир. Болалик йилларимиздан бошлаб халқимиз тарихи, маданияти, тили ва адабиётини, буюк аждодларимизнинг бой меросини, қадриятларимизни ҳар томонлама ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Хизматга қадар Фарғона политехника институтини тугатдим ва заводда муҳандис бўлиб ишладим. Опам ҳам олий маълумотга эга, кичкина укам ҳам ҳозирда ўша институтда таълим олмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, мустақиллигимиз шарофати ила амалга ошди.

Мамлакатимизнинг турли гўшаларидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган сафдошларим мустақил Ўзбекистон ҳимояси йўлида хизмат қилаётганликлари билан фахрланадилар. Юртимиз озодлиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ишончли ҳимоя қилишга доимо шай ҳолатда энг улуғ ва энг азиз байрамни муносиб кутиб олдик.

ВЫПОЛНЯЯ ОСОБЫЕ ЗАДАЧИ



В воинской части офицера А. Саидова служат исключительно военнослужащие по контракту. Причем выполняют они особые, специфические задачи по оборудованию, ремонту и восстановлению охранной аппаратуры и сигнализации.

Умелыми, высококлассными специалистами и знатоками своей профессии зарекомендовали себя старшие техники старшие сержанты Фарход Джуракулов, Бахиджон Мукатов, Виктор Надоховский, Акбарали Абдурахманов, сержанты Юнус Каримов, Абдуназар Мирбаратов и другие. За годы службы они отлично изучили всю аппаратуру, используемую на охраняемых объектах. Практически нет таких технических средств, которые они не «оживляли», возвращая в строй действующих даже после серьезной поломки. Как говорят, стали с техникой «на ты», овладели прочными навыками ее ремонта и эксплуатации в любых условиях. Они постоянно стремятся делать свое дело так, чтобы проведенный их руками ремонт был высококачественным, а установленные на объектах средства всегда работали надежно.

В этом им помогают командиры и начальники – старший инженер старший лейтенант Турсунали Джаббаров, начальник цеха производственно-технологической комплектации лейтенант Тимур Ниязов. Добросовестно трудятся, постоянно поощряют инициативу подчиненных и их старание в работе.

– Наш коллектив немногочислен по своему составу, – говорит главный инженер капитан А. Сафаров, – но проводит большой объем работ как по капитальному ремонту и внедрению в систему охраны технических средств, так и по поддержанию их в постоянном рабочем состоянии. За последние годы наши специалисты отремонтировали и ввели в строй действующих несколько сотен единиц охранной аппаратуры. На ряде объектов их силами установлены новые комплексы и радиоволновые датчики отечественного производства, современные видео- и компьютерная техника. Наши военнослужащие приняли активное участие в разработке, изготовлении и монтаже современных эффективных противоохранных устройств. Надо отметить, что из года в год качество выполняемых работ постоянно повышается, и мы получаем с мест только положительные отзывы.

В соответствии с планом основных мероприятий группы специалистов части во главе с офицером в течение года проводят регламентные работы по техническому обслуживанию средств охраны на каждом охраняемом войсками объекте. Они непосредственно на местах обучают специалистов частей и подразделений практике работы с техническими средствами, проводят с ними занятия и делятся своими знаниями и опытом.

Общеизвестно, что любой военнослужащий должен быть профессионалом, в первую очередь в военном деле, готовым в необходимый момент ответственно выполнить поставленные служебно-боевые задачи по защите мира и спокойствия в стране. А потому в части, как и везде, согласно учебного плана и расписания, регулярно проходят занятия по боевой и общественно-политической подготовке. Осуществляются выезды на стрельбище и тренировки в полевых условиях. Проведенные недавно контрольно-проверочные занятия показали высокий уровень подготовки воинов-профессионалов.

ВЕРНОЕ СЛУЖЕНИЕ ДЕЛУ



Люди, как правило, выбирают для себя любимое дело, стремятся трудиться там, где могут лучше проявить свои способности, принести как можно больше пользы и получить от сделанного радость и моральное удовлетворение.

Таким любимым делом, смыслом жизни стала для старшего сержанта одной из воинских частей Караульных войск МВД Елены Шамардиной воинская служба, которой она отдала уже более семнадцати лет своей жизни. Служит она все эти годы честно и добросовестно, за что неоднократно поощрялась и слушала теплые слова благодарности от командиров и старших начальников, снискала уважение и авторитет в родном воинском коллективе.

После учебы в школе и окончания среднего профессионально-технического училища по специальности оператор ЭВМ Елена два года работала в Ташкентском производственном объединении «Фотон» сборщицей полупроводниковых приборов. Затем она принимает решение посвятить свою жизнь военной службе, которое для многих ее знакомых явилось полной неожиданностью, и поступила на контрактную службу. Конечно, на первых порах молодой девушке было сложно освоить строгую «мужскую профессию» контролера по надзору одного из подразделений войск МВД. Ей пришлось приложить немало сил и старания, чтобы в кратчайшие сроки хорошо изучить служебные обязанности, порядок организации и несения контрольной службы и требования Общевоинских уставов, овладеть оружием, военным делом и всем укладом воинской жизни и службы.

Шло время, день за днем росло служебное и воинское мастерство молодого контролера Е. Шамардиной, накапливались знания и служебный опыт, ее фамилия стала все чаще называться в числе лучших в подразделении при подведении итогов службы и учебы. Упорство и настойчивость в достижении поставленной цели помогли ей стать помощником начальника войскового наряда контролеров и караула, а потом в течение нескольких лет – начальником караула. И так одиннадцать лет беспокойной и ответственной контролерской службы непосредственно на охраняемом объекте ГУИН. Безусловно, были и трудные моменты в службе: высокая служебная нагрузка, дежурства днем и ночью, служба по усиленному варианту, особенно в праздничные дни, занятия в поле, на стрельбище и многое другое, но ни разу Елена Шамардина не пожалела об избранной профессии.

С 2003 года старший сержант Е. Шамардина – старший техник отдела технического контроля в подразделении, где наравне с другими специалистами решает сложные вопросы технического оснащения охраняемых объектов, ремонта вышедшей из строя охранной аппаратуры, прилагая к этому все свои знания, умения и высокое трудолюбие.

– О старшем сержанте Елене Шамардиной можно говорить только положительно, – характеризует ее заместитель командира части капитан Ж. Шарипов. – Это профессионал военной службы. Ее отличает высокая работоспособность, ответственное отношение к делу, дисциплинированность и доброжелательность к людям, готовность оказывать им необходимую помощь.

Старший сержант Е. Шамардина стремится быть всегда в числе передовиков воинского труда. Своим каждодневным трудом она достойно встретила День Независимости и 2200-летие своего родного города Ташкента.

Материалы полосы подготовил Н. ЧУРСИНОВ, ветеран войск. Фото автора.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

БИЗ – БИР ГУЛШАННИНГ ЛОЛАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ўтган вақт мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етганини таъкидлади.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Биз – бир гулшаннинг лолаларимиз" мавзуидаги маданий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз борди. Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиздаги барча миллий маданият марказлари, турли жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини юксалтириш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишларда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда ягона оила фарзандларидек аҳил яшаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг эркин ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши, миллий урф-одат ва анъаналарининг ривожланиши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражасининг ортиб боришида турли миллат ва элат вакилларининг муносиб ҳиссаси бор.

Тадбирда юртимиздаги миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари иштирокида истиқлолимиз, жонажон пойтахтимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини тараннум этувчи байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

(ЎзА).

Пиру бадавлатларимиз

РАЙҲОНЛИ ҲОВЛИНИНГ ТАБАРРУК БЕКАСИ



Камолон пойтахтнинг энг кўркам ва қадимий маҳаллаларидан биридир. Бу ерда кўпдан-кўп эл ардоғидаги ҳурматли инсонлар истиқомат қилишади. Ана шундай инсонлардан бири 105 ёшли табаррук онахон Гайнижамол Султоновадир.

Улуғ байрам бу хонадонга бу йил ўзгача унутилмас қувончли лаҳзаларни бахш этди. Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаётий тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келаётган юз ёшдан ошган юртдошларимиздан бир гуруҳи ватанимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар. Ана шундай юксак мукофот соҳибаларидан бири Гайнижамол Султоновадир.

Онахон яшаётган ҳовлининг файзи бўлакча. Аслида ёнатрофдаги хонадонлардан деярли фарқ қилмайди. Чоғроққина ҳовли. Ўртасида шинамгина гулзор, райҳонли ҳовли. Шу кунларда бир зум ҳам меҳмонлардан бўшагани йўқ. Онахонни зиёрат қилишга, юксак мукофот билан қутлашга, қутлуғ ой билан муборакбод этгани қариндош-уруғлар, дўстлар, маҳалладошлар келиб турибдилар. Улар эса чин юракдан барча-барчани дуо билан сийлайдилар. Суҳбатлари қизиқарли, самимий, ҳамон ҳазил-ҳузул билан сўзлайдилар. Шу сабаб ёшу қари бирдек у кишига интилиб туришади.

105 ёш... Ўтган йилларнинг изи қордек оппоқ сочларида, юзларидаги сонсиз чизиқларда акс этган. Инсоннинг ҳаёт йўли ҳеч қачон силлиқ, бир текис кечган эмас. Онахоннинг тилларидан шукроналик сўзлари тушмайди. Бу бежизга эмас, албатта. Биз уруш, қаҳатчилик, очарчилик даҳшатларини китоблардан ўқиганмиз, бу ҳақдаги фильмларни берилиб томоша қилганмиз. Ёнгинамизда эса у кунлар даҳшатини ўз бошидан ўтказган инсонлар ҳам борлигига кўпда ҳам эътибор бераверМаймиз. Ҳа, шундай инсонлар ҳали ҳам бор. Уларнинг хотираси ўтмишдан эртак сўйлаётгандек туюлиши ҳам бор гап. Келинг, бирозгина онахоннинг хотираларини ҳам тинглаб кўрайлик:

– Мен икки уруш даҳшатини кўрганман. Ҳар икки уруш уч инимнинг умрига зомин бўлди. Ўша давр одатига кўра эрга турмушга берганлар. Ўн фарзанд кўрдим. Уларнинг ҳаммаси ҳам яшаб қолмади. Очарчилик, касалликлар... Болаларимга қувона-қувона лавлаги япроқларидан шўрва пиширib берганман... улар оч эди... Бу неъматга ҳам ҳамма етган эмасди.

Муҳорабалар қайси мақсадда бошланмасин, уларни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Урушлар вайронагарчиликка сабаб бўлади, умрлар завол топади. Бу сўзлар билан уруш ҳақида мулоҳаза юритиш фикридан йироқман. Фақат бир нарсага эътиборингизни тортишни истардим. Урушларда дастлабки қурбонлар ҳимоясиз инсонлар – болалар, аёллар, қариялар бўлишади. Булар жанг майдонидан ташқарида бўладиган қурбонлардир...

Онахонни тинглаб туриб тинимсиз шукрона айтишларининг сабабини англайман. Бахтиёр ака Султонов уларнинг кенжа фарзанди. Оналари ҳақида шундай дейдилар:

– Эсимни танибманки, онамнинг бўш ўтирганларини эслай олмайман. Маҳаллада қўли гул чевар деб танилган эдилар. Дўппи, сўзаналар тикиб оила тебратишга ҳисса қўшганлар. Умуман, бизнинг оилада ҳунар эгаси бўлишга ота-онам катта эътибор қаратар эдилар. Отам узоқ йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилганлар. Қўлларидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ эди. Яхшигина уста эдилар, ошпазликни ҳам дўндирганлар. Бизни ҳам шунга даъват этардилар. Ҳар икковлари ҳам ҳунарни инсонга зеб беради деб билардилар. Уларнинг тарбиясини олиб кам бўлганимиз йўқ. Бугун ҳам онамнинг олдиларига йўл-йўриқ, маслаҳат сўраб келадилар. Ҳамиша олдиларидан одам аримайди. У кишининг ўтитларини жон қулоғи билан тинглаб ўтирган ёшларни кўриб, онам билан фахрланиб кетаман. Шу ёшда ҳам ёшу қарининг кўнглига йўл топа билишларини кўриб, ҳавасим келади. Байрамлар арафасида ҳовлимиз тўйхонага ўхшаб қолади. Узоқ-яқиндан онамизни зиёрат қилишга қариндош-уруғлар, набиралар, эвара-ю чеваралар тўпланишади.

Ҳа, Бахтиёр ака ҳақ гапни гапирдилар. Шундай инсонлар тарбиясини олиб улар кам бўлишмади. Ўғиллари марҳум Хайриддин Султонов ҳам эл тинчлиги йўлида узоқ йиллар Ички ишлар вазирлиги тизимида фидойилик билан хизмат қилдилар. Қизлари Гулсара опа Андижон шаҳрида истиқомат қилишади. Тошкентлик келин у ерда эпчиллиги, ширинсўзлиги билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Бугун ўзи ҳам она, қайнона, табаррук ёшда. Бахтиёр ака эса айни кунда пойтахтнинг энг кўзга кўринган маҳаллаларидан бўлган Камолон маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилмоқдалар. Инсонлар қалбига йўл топишни, эл дарди, эл ташвишига елка тутиб яшашни ўргатган онасига ҳамиша таъзимда.

Мастурахон онахоннинг набира келини.

– Улар суҳбат қуриб ўтиришни ёқтирадилар, – дейди у. – Шунданми олдиларидан одам аримайди. Маҳалланинг келинчаклари ҳам уларнинг олдиларига тез-тез чиқиб турадилар. Кимдир маслаҳат сўраб, кимдир дилкаш суҳбатларини истаб... Улар оиламизнинг фариштаси. Улар билан хонадонимиз файзли.Бувимнинг ўн саккиз набиралари, қирқ саккиз эваралари, йигирма уч чеваралари бор. Шу пайттача уларнинг ҳеч бирининг исмини ё туғилган кунини унутган эмаслар. Катта-кичигидан қатъи назар ҳар бирининг Улар учун ўз ўрни бор. Яна шуниси ҳам борки, уларнинг барчалари бувим мени бошқалардан кўра кўпроқ яхши кўрадилар деб ўйлашади.

Яна онахоннинг сўзларини тинглаймиз:

– Ҳаётимда кўп қийинчиликлар бўлди. Бугунги ўтаётган кунларим оғир ўтмишдан сўнг берилган улкан мукофотдир. Менгдек инсонларга бераётган эътиборлари учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз. Ёшлик ғайрати, куч-қуввати мени аллақачон тарк этган. Энди қўлимдан келадигани юртга тўкинлик, тинчлик, фаровонлик тилаб дуода бўлишдир. Ёшларимиз, фарзандларимиз шундай тинч, осуда кунларнинг қадрига етсинлар. Тинчликда ҳикмат кўп. Юртда тўйларнинг кўплиги, қўша-қўша байрамлар – буларнинг барчаси тинчлик туфайлидир.

Аслида давлатимизнинг юксак мукофотлари мамлакат равнақи йўлида, унинг ҳимояси йўлида фидойиларча хизмат қилаётган миллатнинг энг сара фарзандларига берилади. Онахонимиз қайси хизматлари учун Ватаннинг бундай юксак мукофоти, юксак эътирофига сазовор бўлдилар, деб сўрасалар мен ҳеч иккиланмасдан биргина хизматлари, яъни, юрт корига камарбаста фарзандлар туғиб тарбиялагани учун бундай эъзозга арзийдилар, дея жавоб берган бўлар эдим. Шоирнинг шундай сатрлари бор:

Умр йўлларидан эзгу ҳисларни,
Мағрур олиб ўтмак осон бўлмайди.

«Шуҳрат» медали соҳибаси Гайнижамол Султонова суронли умр йўлларидан энг эзгу ҳисларни қалбида авайлаб-асраб келаётган инсонларнинг биридир. Онахон суҳбатида бўлсангиз бундай ҳислар нафақат асраб-авайланган балки йиллар давомида сайқал топганига ҳам гувоҳ бўласиз. Жаннат оналар пойидадир, деган ҳикматли гапни деярли ҳар биримиз биламиз. Бу ҳикмат айнан ана шундай табаррук онахонлар борлиги учун ҳам қалбнинг энг мусаффо жойларидан тилга кўчган бўлса ажаб эмас. Юртимиз кўрки, хонадонларимиз файзи, дуогўйларимиз бўлган бундай табаррук инсонлар сафи янада кўпайсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАСЛАҲАТ

Противопожарная профилактика

ТРЕБОВАНИЯ К ДЕТСКИМ УЧРЕЖДЕНИЯМ

Особое внимание в детских учреждениях следует уделять быстрой эвакуации и предотвращению паники в случае пожара.

Лестничные клетки, используемые для эвакуации, должны быть открытыми и иметь естественное освещение через окна.

Аварийное освещение для эвакуации следует предусматривать в группах, игральных, столовых, раздевалках, коридорах и на лестничных клетках, а также в кухне и электрощитовой. В целях быстрого вывода детей из здания детского учреждения в случае пожара необходимо следующее:

– иметь конкретный план эвакуации детей на случай возникновения пожара;

– в двухэтажных зданиях детей старших возрастов размещать строго в верхних этажах;

– следить, чтобы все выходы и проходы ничем не загромождались, а двери открывались только в сторону выхода из помещения или здания;

– ключи от дверей хранить в определенных местах, известных всем работникам детского учреждения;



– прививать детям навыки в быстрой ориентировке на случай эвакуации, впуск и выпуск детей в обычное время практиковать попеременно через все имеющиеся выходы и входы;

– обязательно иметь бодрствующих дежурных из числа обслуживающего персонала детского учреждения во время отдыха детей, чтобы в случае возникновения пожара дети были эвакуированы до его распространения.

При организации массовых мероприятий (различные праздники) с детьми должны проводиться дополнительные противопожарные тренировки.

Помещения, в которых проводятся массовые мероприятия (детские вечера, новогодние елки, спектакли, концерты и т.д.) должны иметь не менее двух выходов наружу или через лестничные клетки.

Ответственные лица за проведение массовых мероприятий перед началом должны тщательно осмотреть все помещения, запасные выходы и лично убедиться в отсутствии нарушений правил пожарной безопасности и исправности средств пожаротушения.

В случае возникновения пожара первоочередной обязанностью каждого работника детского учреждения является спасение жизни детей.

Руководящий, медицинский и обслуживающий персонал детских и лечебных учреждений обязан:

– немедленно сообщить о пожаре в ближайшую пожарную команду, объявить пожарную тревогу;

– принять все меры к организованной эвакуации детей из помещений, соблюдать выдержку и спокойствие, не допускать предпосылок для возникновения паники. Эвакуацию детей необходимо начинать из того помещения, где возник пожар, а также из помещений, которым угрожает опасность от распространения огня (дети младшего возраста подлежат эвакуации в первую очередь).

Направить эвакуированных детей в безопасное место, предусмотренное планом эвакуации при пожаре. Для встречи вызванной пожарной команды направить работника персонала учреждения, который должен оперативно проинформировать начальника пожарного наряда о сложившейся обстановке.

Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона убедительно просит руководителей детских учреждений и организации соблюдать требования правил пожарной безопасности, проводить противопожарные тренировки в целях профилактики.

Сержант Мурод МАТСАФАЕВ,
старший инструктор службы противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона.

Сўраган экансиз

ЯРАШУВ – ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛАДИМИ?

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Кичик сержант
Лочин АБДУҲАКИМОВ.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимига алоҳида эътибор берилиб, соҳага оид кўплаб қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тайёрланган, шунинг баробарида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тизимнинг барча йўналишлари қатори жиноий жазо ва жавобгарлик институти ҳам амалда қайта кўриб чиқилди. 2001 йилда Юртбошимиз ташаббуси асосида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам шундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мазкур қонунга мувофиқ ярашув институти жорий этилган бўлиб, бу Жиноят кодексининг 26 та моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга нисбатан қўлланила бошланди. Янги Қонун кучга киргандан буён ЖКнинг 26 та моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, ўз айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни бартараф этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этиш амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу 26 та моддадан бири, Жиноят кодекси 298-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган тарзда жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятидир.

Соҳадаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2009 йил 3 апрельда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги кунги Қонунга кўра, эндиликда Жиноят кодексининг 31 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган 42 та жиноят таркиби бўйича ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмоқда.

Адлия полковниги У. МИРЗАЕВ,
Фарғона ҳарбий прокурори.

ИЛЛАТЛАР ИЧИДА ЭНГ ХАВФЛИСИ

Иллатлар ичида ижтимоий-тиббий аҳамиятга эга бўлган, жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар ва уларнинг асоратлари инсоният учун катта хавф туғдирмоқда. Асоратлар эркак ва аёлларнинг репродуктив ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, уларда бепуштликнинг келиб чиқиши ёки фарзандларининг оғир туғма касалликлар билан дунёга келишига сабабчи бўлмоқда. Ҳозирги кунда жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг 30га яқин тури тўлиқ ўрганилган бўлиб, глобал муаммолар ичида етакчилик қилаётгани орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллигидир.



ОИВ инфекцияси нима учун хавфли?

Ҳаётий тажрибаси кам бўлган ёшларнинг ОИВ/ОИТС касаллиги ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги у билан боғлиқ оғир асоратларга олиб келиши, касалликнинг тез сурьатларда тарқалишига замин яратади.

ОИВ (одам иммунитети вируси) инфекцияси ҳақида маълумот берадиган бўлсак, бунда касалликни чақирувчи вирус одам организми ҳимоя тизимини жароҳатлайди. Натижада организм турли хил касаллик қўзғатувчиларига қарши курашиш қобилиятини йўқотиб, улар олдида кучсизланади. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллиги эса, ушбу инфекциянинг сўнгги босқичи бўлиб, бунда иммунитет бутунлай емирилади, яъни ҳимоя тизими инфекцияларга қарши кураша олмайди ва касаллик ўлим билан якун топади.

Касаллик ўта хавфли ва юқумли бўлиб, унинг манбаи бемор ва ОИВ ташиб юрувчилардир. Касалликнинг тарқалишида вирус ташиб юрувчилар беморларга нисбатан хавфлидир. Чунки улар умумий касалликка чалинганларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Вирус ташиб юрувчилар ташқи кўринишидан соғлом бўлиб, касалликнинг ўзига хос белгилари мавжуд эмас ва яширин давридан тортиб, барча босқичларида, яъни умрининг охиригача бошқа шахсларга вирусни юқтириши мумкин.

Касаллик қуйидаги йўллар билан юқиши мумкин:

– парентерал, яъни қон орқали. (Қон ва қон препаратлари қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда, тери ва шиллиқ қаватлар бутунлиги бузилиши билан кечадиган барча тиббий ва нотиббий – косметик муолажалар:

– пирсинг, татуаж, маникюр, педикюр, соч-соқолни олдириш ва ҳоказо муолажаларда, шахсий гигиена воситаларидан умумий фойдаланганда;

– жинсий;

– вертикал (ОИВ инфекциясини юқтириб олган онадан ҳомилага ёки чақалоққа туғруқ жараёнида ва туғилгандан сўнг она сути орқали).

Бугунги кунда ОИВ инфекциясини батамом даволашнинг, яъни вирусни организмдан буткул чиқариб юборишнинг имконияти йўқ. Табобатда ишлатилаётган дорилар, фақат одам иммунитети вирусининг кўпайишини секинлаштириб, бемор ҳаётини узайтиришга ёрдам беради холос.

ОИВни қандай аниқлаш мумкин?

ОИВ инфекцияси бор-йўқлиги фақат лаборатория таҳлиллари орқали аниқланади. Демак, ОИВ инфекцияси ташувчиси (бемор) аниқлангунга қадар у атрофдагилар учун жуда хавфли ҳисобланади.

Лаборатория таҳлилларида қондан ОИВга қарши антитаналар қидирилади, чунки организмга ОИВ киргандан сўнг, ушбу вирус (антиген)га қарши одамнинг иммунитет тизими антитаналар ишлаб чиқара бошлайди. Уларнинг миқдори лаборатория таҳлиллари орқали аниқлаб бўладиган даражага етгунча 1–3 ой вақт керак бўлади. Бу даврда бемор қонида антитаналар таҳлил натижасида аниқланмаса ҳам, бошқа одамга касалликни юқтириши мумкин. Бу давр «иммунологик дарча даври», деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси «Одам иммунтанқислиги вирусининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, ОИВга текширувдан фақат кўнгилли равишда, хуфёна (яъни текширувдан ўтаётган шахс ўз исми-шарифини, касби ва иш жойини айтиши шарт эмас) ва конфиденциал ҳолда ўтказилади. Бунинг учун республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида ишонч пунктлари, барча ҳарбий даволаш профилактика муассасаларида маслаҳат марказлари фаолият юритмоқда. ОИВга текширувлар барча лабораторияларда бепул ва хоҳишга кўра хуфёна амалга оширилади. Барча текширувлар тестдан олдинги маслаҳат берилгандан кейин амалга оширилиши шарт.

Касаллик юқишининг олдини олиш учун...

ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олишда энг кафолатланган йўл – бу соғлом турмуш тарзига амал қилиш, яъни гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан ва бетартиб жинсий ҳаёт кечиришдан воз кечиш! Чунки спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни қабул қилганда, одам ўз хатти-ҳаракатини назорат қилолмаслиги сабабли тасодифий жинсий алоқаларга йўл қўяди ва алоқа пайтида ҳимоя воситаларидан фойдаланмайди.

Шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш (биров, хоҳ яқинингиз ишлатган устара, тиш чўткаси бўлсин, ишлатмаслик, сартарошхоналарда соч-соқол олдирганда устарага янги тиғ ўрнатишни, аёллар тирноқларини тозалатганда пардоз ускуналарини зарарсизлантириб ишлатишларини талаб қилиш), татуировка, пирсинг, нина билан даволаш каби тери бутлигини бузиш билан кечадиган муолажалардан ўзини сақлаш, ҳуда-беҳудага тери ва шиллиқ қаватлар бузилиши билан кечадиган турли хил тиббий муолажаларни қабул қилмаслик, эҳтиёж туғилганда эса фақат тиббиёт муассасаларида (шу жумладан ўғил болаларни хатна қилдириш, қиз болаларнинг қулоғини тештириш) амалга ошириш ОИВ/ОИТС юқишининг олдини олишда ўта муҳим чоратадбирлар ҳисобланади.

Тиббий хизмат майори
Абдуғани ЮЛДАШЕВ,
Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинмаси бошлиги.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҲАВАСНИНГ ХАТАРЛИ ЙЎЛИ

Қишлоқда Мубор сатангни ҳамма танийди. Яқиндагина данғиллатиб тўй қилиб, ўғил уйлантирганди. Шунга ҳам бир йил бўлиб қолибди. Келин паҳлавондек ўғил туғиб берди. Уни ҳовлиқишини кўринг, элдан қўймасин, ҳали набирагинамга тўй қилиб, етти маҳаллага ош бераман, дейди. Қўйсангиз-чи, набирангиз уч-тўрт ёш бўлсин, тўй нима эканлигини билсин, ўз тўйида чопқиллаб юрсин, кейин тўй қилсангиз ярашади, – деганлар кўзига балодай кўринди. Улар менга ҳасад қилишяпти, шунинг учун ҳам тўйни тезлаштирмасам, ҳаммаларини ичларини куйдирмасам. – Мубор сатанг ичига жин киргандай ҳаловатини йўқотди. Бугун эрталаб нонушта пайти келинига шу ҳақда сўз очди.

– Келин, бугун уйингизга бориб келинг. Онангизга айтинг, келаси ойнинг иккинчи якшанбасига Жавоҳиримга суннат тўйи қиламиз. Дадангиз билан келишдик, розилар.

– Вой, ойижон, Жавоҳир ҳали ёш-ку...

– Ҳечқиси йўқ, бу менинг биринчи набирам, ўзига яраша орзу-ҳавасим бор. Ният қилганман. Худо ўғил набира берса ёшига етмай тўй қилиб, элга ош бераман, деб.

– Ҳеч бўлмаса бир ёшдан ошсин, ҳали гўдак бўлса, ниманиям биларди.

– Менга ақл ўргатяпсизми?

– Йўқ, ойижон...

– Бўлди, кўп минғирламанг, мен чет элма чет эл ким учун юрибман. Нима учун мол-дунё йиғдим, орзу ҳавасни ким учун қилдим?

– Ўғлингиз нима деркин?..

– Нима дерди, тўйни мен қиламан, сизлар дўппингизни осмонга отинг, қайнонангиз сиз учун юрт кезиб тирикчилик қилиб юрибди. Сизга осон бўлсин деб иссиқ-совуқ, баҳор-ёз демай тирмашиб, меҳнат қиляпти, келинжон.

– Раҳмат, ойижон, доим соғ бўлинг бахтимизга.

– Нега қовоқ-лунжингиз тушиб қолди?

– Ойижон, бизнинг уйдагиларни тўйга тайёргарлиги йўқдиров...

– Йўқ бўлса, қилади. Ҳали бир ойдан ортиқ вақт бор. Ойингизга, акангизга бориб айтинг, тайёргарлик кўришсин.

– Жон, ойижон, шароитни билиб туриб, бу ҳақда қандай айтаман?

– Мени ҳеч нарса қизиқтирмайди. Жавоҳир уларнинг ҳам набираси. Дўсту душманнинг олдида той етаклаб келмаса бўлмайди. Яна бир гап, фақат той эмас, сарполарни ҳам яхшилаб, ўйлаб қилсин-а?

– Уйга бугун бориб келишим шартми, эртага ўғлингиз дам олади, улар билан бирга борсак бўлармиди?

– Эрингизни эргаштирмасангиз ҳам бўлаверади. Нима бало, онангиз сизни гапга туққанми?

Қайнонанинг қошлари чимирилди. Энди бошқа гап ортиқча эди. Гулруҳ дастурхонни йиғиштирди, чала қолган ишларини наридан-бери қилган бўлди. Ошхонада куймаланаркан хаёлга берилди, оилавий шароити ўзига маълум, онасига бу ҳақда қандай қилиб айтади. Икки укаси шартнома асосида институтда ўқиса, онаси яқинда даволаниб чиққан бўлса, келадиган даромади бўлмаса. Турли ўй-хаёллар гирдобига ғарқ бўлган Гулруҳ ташқарида қайнонасининг жаҳл билан бақирганидан ҳўчиб тушди. Ўзини ҳовлига урди ва иштончасини ҳўллаб қўйган ўғлини қўлига оларкан, қайнонасидан узр сўради.

– Намунча иммиллайсиз, мен сизга уйингизга бориб келинг дедим, кечки овқатгача қайтишингиз керак, тез ҳаракат қилинг.

– Ойи, ўғлингиздан рухсат сўрамаган эдик-ку...

– Мен рухсат беряпман, тезроқ боринглар, бор гапни айтиб қайтиб келинг. Кечқурун мен йўлга чиқаман.

– Хўп, ойижон.

Гулруҳ ўғлини бағрига босиб, сумкасига унинг иштончаларини солиб, йўлга тушди. Қайнонаси ноинсоф аёлда, қудачилик минг йилчилик, деган гап бор ахир, иккита нон солиб олинг ёки мана бу пулга бирор нарса харид қилинг, қуруқ кириб борманг, дейишгаям ярамайди. Яна булар боймиш. Томса ялайдиган бундай бойдан кўра қўли очиқ камбағал ҳам минг марта яхши, – у йўл бўйи хаёлан ўзи билан ўзи тортишиб келди. Дарвозадан кириб борган Гулруҳ ошхонада келини билан ойиси кулишиб, қувноқ ҳолда чучвара тугаётганини кўриб, уларга ҳаваси келди. Қайнона келинга ўхшамайдилар, худди дугоналардек бир-бирларига жуда яқин, меҳрибон.

Шу пайт ўғилчасининг қорни очди чоғи йиғлай бошлади. Ташқаридаги йиғи овозини эшитиб, ойиси чиқиб келди.

– Вой менинг меҳрибонларим келибди-ю, айланай сизлардан. Ўзи кўзимдан ўтиб турувдингиз. Уйинг тинчми? Қудаларим, куёвбола яхшими? Ўзинг тинчмисан, қани берчи болагинамни...

– Ҳа, тинчлик, – дея ўғлини онасига бераркан, ошхона томон йўналди.

Гулруҳ ошхонада келинойиси билан кўришаркан, «ажабсанда қиляпсизларми қайнона келин», – деб сўради.

– Кўрган бўлсангиз кеча телевизорда «Очил дастурхон» кўрсатувида бир ажойиб чучвара тайёрланди, шуни ойим билан пишираётгандик. Сизлар бироз гаплашиб ўтиринглар мен ҳозир овқат сузиб келаман, – деди келин.

– Ойи, сизларга ҳавасим келади, қайнона-келин худди дугоналарга ўхшайсизлар. Сирдошсиз, меҳрибонсиз. Мен эса қайнонам билан суҳбатлашиш у ёқда турсин юзига тик қаролмайман. Ҳеч сир бермайдилар, келинга худди хизматкордай муносабатда бўлади, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, гаплари фақат бозор, савдо, бойлик. Дадамлар билан тез-тез урушиб қоладилар. Фарзандларига «мен пул топиб сенларни боқяпман», дея тана қилгани-қилган. Сизларникидаги каби ширин ҳаёт йўқ. Зиёли оила билан бозорчилар оиласи сира тўғри келмас экан, кўп тана эшитаман. Мени нега шундай оилага узатгансиз?

– Вой, болам, ундай дема. Бу аввало тақдир, рўзғор дегани шунақа бўлади ўзи, кўникиб кетасан ҳали.

– Ўша тақдирга ўт тушсин.

– Ҳай болам, эринг яхши йигит. Ношукур бўлма.

– Э, лаллаймай ўлсин, онасини чизган чизиғидан чиқолмайди, ўзининг фикри йўқ.


– Ҳали янги рўзғорсан, секин-аста ҳаётинг изига тушиб кетади. Қайнотанг ҳам яхши одам. Сенга доим ён босадику, қайнонанг бўлса умри сафарда ўтади. Шунгаям нолисанг уят бўлади, ахир.

– Ойи, Жавоҳирга тўй қиляпмиз. Келаси ойнинг иккинчи якшанбасига тўй. Бугун шуни айтгани келдим. Қудангизнинг айтишича, той етаклаб бораркансиз, кейин фақат янги чиққан матолардан сарпо қиларкансиз.

– Вой, болам, биз ҳали тўйга тайёр эмасмиз-ку. Тўйни тўйдай ғавғоси бор.

– Ҳа, ойи, мен айтдим, Жавоҳир ҳам ҳали гўдак дедим, сизларнинг ҳам шароитингиз йўқлигини айтгандим, кўнмадилар. Ният қилганман, орзу-ҳавасим бор, деб туриб олдилар.

– Майли ҳали аканг келсин, маслаҳат қиламиз. Ҳаммамиз ойликчи бўлсак. Меҳриддин билан Ойдиннинг шартномасини базўр эплаяпмиз. Жавоҳир ҳеч бўлмаса икки ёш бўлганида эди, биз ҳам яхши бўлиб кетардик. Майли бир гап бўлар, диққат бўлма, чойдан ич, болам..



Кечга яқин дастурхон атрофида ҳаммалари тўпландилар. Суҳбат узоқ давом этди. Охири «Агар даданг раҳматли ҳаёт бўлганида бизни бу ташвишларга қўймасди. Гулруҳнинг тили қисилмасин, деб бир илож топарди», – деди ўкинч билан Муҳаррам ая.

– Ойи, сира хавотир олманг. Мен бир оғайнимдан қарз олиб тураман. Кейин, бир амаллармиз. – деди Ҳалимжон.

Ҳаммалари хотиржам бўлишиб, Гулруҳни уйига кузатиб қўйдилар.

Белгиланган тўй куни ҳам етиб келди. Ҳалимжон той етаклади. Муҳаррам ая яхши ниятлар билан келинга ва қизи Ойдинга атаган сарполарини қудаларга қўйди. Рисоладаги тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳали ёшига етмаган набирининг орзу ҳаваси учун қудалар топганини сочдилар.

Ҳа, орзу-ҳавас учун инсон нималарни қилмайди. Тўй баҳона ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйган Мубор сатангнинг оғзи қулоғида бўлди, шу тўй баҳона иккинчи хонадоннинг қадди дол бўлди. Ҳали ўзларини ўнглаб олмай туриб, қарз берган одам эшик қоқди. Айни дам сира имконият йўқлигини айтиб, узр сўраб муддатни бироз кечиктирдилар. Бу орада Меҳриддиннинг институтга шартнома тўлаш муддати тугаб, талабалар сафидан чиқариш ҳақида қарор чиқди. Бу ҳол оиладагилар учун қаттиқ зарба бўлди. Бир куни кўча эшик безовта тақиллади. Келин эшикни очганида остонада ўша қарз берган одам, иккита милиционер билан келиб, уйдаги кўзга яроқли нарсалар: гилам, телевизор каби буюмларни машинага таший бошлади. Қачонки, пул олиб бориб берилса, буюмлар қайтарилишини айтиб, машина жойидан қўзғалди. Кўчада миш-мишга ўч қўшнилар тўпланиб, ўзаро шивиршивирлар бошлашди. Маҳаллада ҳижолати юз чандон бўлган Муҳаррам ая бирдан юрагини чангаллаб қолди. Кўзлари қоронғулашиб, бир сўз дейишга мажоли етмай ерга юзтубан йиқилди. Зудлик билан етиб келган «Тез ёрдам» машинаси унга биринчи ёрдамни кўрсатишга улгурмади...

Эрининг вафотидан сўнг, гўдаклари билан ёш қолган Муҳаррам ая икки сменалаб ишлаб, фарзандларига ҳалол луқма едириб, кўп азиятлар тортган эди. Фарзандлар улғайиб, энди рўшноликка чиқаётган бу ғамдийда аёлга ҳамма ачинди. Таъзияга келганлар фарзандларнинг оҳу-нолаларидан чидаб туролмадилар, уларга қўшилиб юракдан йиғладилар.

Уй ичида отинойилар қаторида савлат тўкиб ўтирган Мубор сатанг ҳаммани оғзига қаратиб, «Яхшиям шошиб бўлса ҳам тўй қилиб олганим, қудам шўрлик набира тўйи кўриб қолди», деб сохта кўз ёш қиларди.

Уни билганлар эса оғзи ошга етганда боши тошга теккан Муҳаррамхоннинг умрига зомин бўлган диёнатсиз қудадан нафратланарди.

Феруза ОРИПОВА.

ОИЛА ГУЛШАНИ

БАЙРАМ ШУКУҲИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқимиз Ватанимиз тараққиёти ва қудрати, миллий анъаналаримиз нуфузини дунёга намойиш этувчи азиз байрамларини катта тантаналар ила нишонлаб келади. Мана шундай улуғ байрамлардан бири – Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳам юксак шодиёналар билан қарши олинди. Шунингдек, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик муборак тўйи истиқлолимиз қувончига уланган ҳолда давом этди. Тўйлар тўйларга уласин, деганлари шу бўлса керак-да.

Бизнинг ҳарбий қисмда ҳам ушбу қўшалоқ байрамларга астойдил ҳозирлик кўрилди ва кўтаринки руҳда нишонланди. Байрамни муносиб кутиб олиш тадбирлари доирасида бўлинмалар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, тош кўтариш, арқон тортиш каби беллашувлари ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида шеър айтиш, шахмат-шашка, расм чизиш, баскетбол каби мусобақаларга уланиб кетди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари етакчилигида амалга оширилган «Бекалар беллашуви» эса янада қизиқарли кечди, десак хато бўлмайди. Шу билан бирга байрам шодиёналари давомида кичик сержант Комил Жабборов томонидан чизгиларга муҳрланган «Ватан посбони», «Алоқачи», «Дунё манзараси», «Шердор мадрасаси», «Соҳибқирон Амир Темур», «Бизнинг ҳарбий шаҳарчамиз» каби асарлар ва кичик сержант Ҳабиб Мамажонов ижодига мансуб кулолчилик ишлари – турли қўғирчоқлар, юртимиз манзаралари акс эттирилган сопол лаганлар байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Ҳарбий шаҳарчада намойиш этилган «Ватанимни куйлайман» мавзусидаги бу мўъжазгина ижодий кўргазмани қўшалоқ байрамга муносиб туҳфа, десак арзийди.

Ҳарбий қисм оркестри томонидан тайёрланган концерт дастури эса даврага ўзгача файз бахш этди. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ҳам иштирок этиб, қўшиқ, шеър ва рақслар ижро этишди. Айниқса беш ёшли Азизхўжа Нумонхўжаевнинг Абдулла Орипов қаламига мансуб «Ўзбекистон» шеърини меҳр билан айтгани иштирокчиларни ҳаяжонга солди.

Байрам дастурининг қизиқарли ўтишида ҳарбий оила бекалари ўртасида ўтказилган «Бекалар беллашуви»ни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Беллашувда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойниса Нодирова иштирок этиб, бекаларнинг муайян шартлар бўйича бажарган ишларини одилона баҳолаб боришда ҳакамларга бошчилик қилди.

– Мен сизга яхши дори ёзиб беришим мумкин. Эрингиз тушида гапирмайдиган бўлади.

– Йўқ-йўқ, яхшиси сиз менга шундай дори ёзиб берингки, у гапларини аниқ-аниқ айтадиган бўлсин.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннеса



Мексиканские поклонники Майкла Джексона, скончавшегося 25 июня, претендуют на новый мировой рекорд после того, как 12937 фанатов «короля поп-музыки» вместе исполнили танец из знаменитого клипа «Триллер».



26-летний житель Чирантан Патнаик города Мумбаи (Индия) рассчитывает попасть в Книгу рекордов Гиннесса по продолжительности игры в Grand Thelf Auto IV, просидев за игрой 30 часов подряд.




В Нью-Йорке в возрасте 21 года скончалась самая старая в мире собака – жёсткошерстная такса по кличке Шанель, сообщили хозяева собаки Дениз и Карл Шогнесси.

По данным Книги рекордов Гиннесса, возраст Шанель равен 147 годам «в человеческом исчислении».

ДУНЁ НАФАСИ

СИМЛАР ЎТМИШДА ҚОЛИШИ МУМКИН



5 йилдан сўнг кичик масофаларда қувват(энергия)ни симсиз узатиш тамоман оддий ишга айланади, деб ҳисоблайди электромагнит майдони воситасида қувватни масофаларга узатиш технологияси устида иш олиб борувчи WiTricity компанияси бош ижрочи директори Эрик Геллер.

Унинг фикрича, 2014–2015 йилларга бориб бундай тизимларни деярли ҳар бир хонадонда учратиш мумкин бўлади, яъни улар шахсий компьютер, телефон, плеерлар ва бошқа маиший электр жиҳозларни қувват билан таъминлайди.

Мазкур тизимда қувватни узатиш учун бир хил частотада ишловчи иккита спиралдан фойдаланилади. Бунда улардан бири қувват манбаига уланса, иккинчиси қувватланиши лозим бўлган аппаратга ўрнатилади. Ана шу икки спирал оралиғида қувват берилади ҳамда аппарат ичидаги спиралда электр қуввати тўпланади ва натижада аппарат қувватга тўйинади. Вақти келиб, мазкур спиралларни шифтга ёки полга ўрнатиш, ёзув столи ёнидаги қулай жойга жойлаштириш мумкин бўлади ва улар автоматик равишда ораликдаги барча электрон қурилмаларни қувватлантиради, деб ваъда бермоқда Э.Геллер.

ҚАЛБАКИ КИЙИМ УЧУН ЖАРИМА



Италия маъмурлари «плагиаторлар», яъни қалбаки маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши кураш бошладилар. Ушбу кампания доирасида сохта ном остида чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланувчи сайёҳлар ҳам жабр кўриши мумкин. Эндиликда сохта аксессуарлар тақиб юрган сайёҳларни аэропорт божхонасидан ўтишда ҳам, ҳатто кўчада сайр қилиб юрганда ҳам тўхтатишлари мумкин. Бундай вазиятда улардаги сохта предметлар конфискация қилиниши (олиб қўйилиши) ҳамда катта миқдорда (асл маҳсулот нархидан икки баробар ортиқ) жарима солиниши хавфи бор.

Бундай кескин чоралар қўллашга қалбаки товарларнинг йилдан-йилга кўпайиб кетаётганлиги ва уларнинг аксарияти инсонлар саломатлиги учун ўта зарарли эканлиги сабаб бўлмоқда.

ЕРОСТИ КЎЧМАС МУЛКИ СОТИЛАДИ




21 сентябрь куни Буюк Британияда 5,5 гектар ер майдони ҳамда ўша жойдаги ерости тоннеллари ва улар тагидаги бункерлар савдога қўйилади, деб хабар беради Prian.ru ахборот агентлиги.

Мазкур объект Кент графлигидаги Фолкстон шаҳри яқинида жойлашган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу ерда ҳаво ҳужумидан мудофаа батареяси фаолият кўрсатган. Ҳозирда ер усти иншоотларидан фақат кузатув пункти қолган, аммо госпиталь жойлашган ерости комплекси яхши сақланган.

Ушбу ғайриоддий объектнинг ҳозирги эгалари уни 1980-йилларда мудофаа вазирлигидан сотиб олишган. Энди улар мазкур объектни тахминан 90-100 минг фунт (100-115 минг евро) миқдорида нархлаб, аукционга қўйишга қарор қилдилар.

ОРБИТАДА ҚУЁШ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ




Mitsubishi Heavy Industries бошчилигидаги ўн олтита япон корпорацияси 2040 йилга бориб ерга яқин орбитада қуввати бир гигаватт бўлган қуёш электростанциясини қуриш ниятида, деб хабар беради ИТАР-ТАСС маҳаллий ОАВ маълумотига таянган ҳолда.

Тизим қувватни тўплаш ва уни Ерда жойлашган «приёмник»ларга микротўлқинлар ёки лазер технологияси воситасида узатиш учун умумий майдони 4 кв. км бўлган қуёш батареялари билан жиҳозланган йўлдошлардан таркиб топади.

Ҳозирги вақтда бундай ҳажмдаги қувватни орбитадан Ерга узатиш усулини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Бир гигаваттли электрогенератор қуввати 294 минг тураржой биноларини электр қуввати билан таъминлашга етади.

СУВ ЮҚМАЙДИГАН ҚОПЛАМА



Швейцариялик олимлар, ўзлари таъкидлашларича, дунёдаги энг сув юқмайдиган қоплама яратдилар, деб хабар беради «Немис тўлқини».

Цюрих университети қошидаги физикавий кимё институти илмий директори профессор Штефан Зеегер журналистларга қуйидагиларни сўзлаб берган: «Биз мазкур технологияни ҳар қандай материални унга махсус қоплама суртган ҳолда сув ёки бошқа суюқликларга нотаъсирчан қилиш мумкин бўлишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Натижада биз жуда қизиқарли самараларга эга бўлдик – масалан, сувга чўкканда умуман ивимайдиган мато яратдик. Бу мато сувда бир неча ойлаб қуруқ туриши мумкин».

Матога сув юқтирмайдиган плёнка суртиш биргина технологик операцияни талаб қилади. Ғаройиб қоплама учун хом ашё бўлиб силанлар, яъни кремний водородлар гуруҳидан бўлган бирикма хизмат қилади. Бу бирикма кремний ишланмасидан чиққан иккиламчи маҳсулот бўлиб, у жуда ҳам сероб ва нархи ҳам қиммат эмас.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Террорист-смертник подорвал себя у аэропорта в Кабуле



Террорист-смертник подорвал себя возле международного аэропорта на окраине столицы Афганистана Кабула. Как сообщил представитель афганского правительства, в результате взрыва два человека погибли, еще семь получили ранения. Ранее очевидцы сообщили журналистам о нескольких раненых. Ответственность за теракт в районе аэропорта, который используется Международными силами по содействию безопасности в Афганистане, взяли на себя талибы.

Наводнение в Западной Африке



Около 600 тысяч человек пострадали от наводнений в Западной Африке. В десятке стран региона, которые обычно страдают от засухи, несколько недель подряд идут проливные дожди, сообщает агентство Sapa со ссылкой на ООН.

Только в Сенегале крова лишились более 260 тысяч человек. В Буркина-Фасо за один день выпало около четверти метра осадков. Из-за последствий погибли семь человек, 150 тысяч остались без крыши над головой.

Авария на шахте в Центральном Китае



В результате взрыва газа на угольной шахте в провинции Хэнань (Центральный Китай) погибли 13 человек, еще 66 считаются пропавшими без вести, передает ИТАР–ТАСС. Инцидент произошел на шахте близ города Пиндиншань, сообщило агентство Xinhua со ссылкой на государственное управление по безопасности работ. Эта угольная шахта ранее была признана аварийной и закрыта на ремонт. Таким образом, добыча угля там была запрещена. На момент взрыва в шахте работали 93 человека.

Жертвы свиного гриппа в Аргентине и в Перу



Число скончавшихся от гриппа A/H1N1 в Аргентине достигло 512 человек, в Перу – 109, передает РИА Новости со ссылкой на министерства здравоохранения этих южноамериканских стран. За десять дней после публикации в Аргентине предыдущего бюллетеня зафиксировано 47 новых случаев с летальным исходом. За последнюю неделю «новым гриппом» заболел 621 перуанец, 11 госпитализированных пациентов умерли. До настоящего времени в стране подтверждено 7,312 тысячи случаев инфицирования.

Пираты атаковали два рыбацких судна у берегов Камеруна



Два рыбацких судна атакованы пиратами у берегов Камеруна, шесть моряков ранены. Об этом сообщило агентство Sapa. Неизвестные пираты, вооруженные автоматами, напали на рыбаков на рейде Дуалы – экономической столицы Камеруна.

Рыбаки были ранены крюками, которые пираты забросили на сейнеры, чтобы взять их на абордаж. В результате морского ограбления моряки лишились 17 сотовых телефонов и 450 евро наличными.

ООН выступает за создание новой мировой валюты




В докладе Конференции ООН по торговле и развитию (UNCTAD) содержится радикальный вывод о том, что сложившаяся в мире валютная система неэффективна, тормозит развитие мировой экономики и является одной из основных причин финансового и экономического кризиса. Вывод – роль доллара в качестве мировой резервной валюты должна быть пересмотрена. Доклад UNCTAD стал первым случаем, когда к аналогичным выводам и рекомендациям пришел многонациональный институт.

(www.NEWSru.com).

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

СОВМЕСТНЫМИ УСИЛИЯМИ

По заказу научно-исследовательского управления ВМС США тремя группами компаний, во главе которых стоят «Элайон сайенс энд текнолоджи», «Текстрон марин энд лэнд системз» и «Юмоу мэндал», разрабатывается демонстрационный образец перспективного десантно-высадочного средства катамаранного типа, получившего обозначение «Т-Крафт» (Transformable Craft). Этот корабль будет обладать грузоподъемностью в 4–10 раз большей, чем у существующих средств, иметь наибольшую скорость хода до 40 уз, дальность плавания без груза до 2500 миль при скорости хода 20 уз и волнении моря до 5 баллов, обеспечивать высадку десанта на гусеничной и колесной технике с кораблей, находящихся на удалении до 500 миль от берега, преодолевать полосу прибоя, песчаные дюны и заболоченные участки. В качестве возможного варианта для решения этих задач рассматривается корабль скегового типа. Предполагается, что корабли «Т-Крафт» будут взаимодействовать с перспективными судами-складами, создаваемыми по программе MPF (F) (Maritime Prepositioning Forse/Future).



«ИБИС» ГОТОВИТСЯ К ДЕЙСТВИЮ

Польский промышленный институт автоматики и измерений осуществляет разработку малогабаритной машины с дистанционным управлением, получившей название «Ибис». Она предназначена для обезвреживания боеприпасов и самодельных взрывных устройств при ведении боевых действий как в городских условиях, так и на пересеченной местности. Конструкция робота выполнена с учетом обеспечения надежного контакта гусениц с грунтом, обладает хорошей устойчивостью и улучшенным распределением величины крутящего момента на шесть ведущих колес, каждое из которых оснащено независимым приводом. На машине планируется размещать пиротехнические средства подрыва, разведывательное оборудование, датчики контроля радиационного и химического заражения, а также легкое вооружение, включая ПТУР. Боевая масса «Ибиса» 290 кг, длина 1,3 м, ширина 0,85 м. Максимальная скорость движения по гладкой поверхности 8,5 км/час. Стрела-манипулятор может выдвигаться на максимальную длину 3,15 м и перемещать груз массой до 30 кг.




ПИНҲОНА РАВИШДА АНИҚЛАЙДИ

Американинг «Харрис» ва «Дрэгонфлай пикчерс» компаниялари мутахассислари АҚШ мудофаа вазирлигининг истиқболли ишланмалар ва тадқиқотлар бошқармаси манфаатлари доирасида кўтариб турувчи винтлари тандем (кетма-кет) усулида жойлашган ва электр кучланиш қурилмасига эга бўлган вертолёт типидаги ДР-6 «Виспер» (Whisper) русумли бир неча кам шовқинли учувчисиз учиш аппаратларидан таркиб топган чегара бузувчиларни идентификация қилиш тизимини яратдилар ва ҳозирда полигон синовларини ўтказмоқдалар.

Чегара бузилгани ҳақида сигнал олиниши билан мазкур аппарат белгиланган ҳудудга йўл олади ва у ерда катта ечимли камера ёрдамида 150 метр атрофидаги масофа, 30 С бурчак остидаги жойда пинҳона равишда объектни аниқлаш (инсон юзини яхшилаб кўриш имконини берувчи) ва унинг ҳаракатлари характерини белгилаш ишлари амалга оширилади. Аппаратнинг оғирлиги 23 кг, узунлиги 2 метр атрофида. Фойдали юк оғирлиги 6,8 кг бўлганда ДР-6 аппаратининг учиш давомийлиги 30 дақиқани ташкил этади.

Штат вариантида «Виспер» кундузи ва тунда (инфрақизил диапазонда) суратга тушириш ишларини бажариш имкони берувчи оптоэлектрон камера билан жиҳозланади. Бундан ташқари, аппаратдаги фойдали юк таркибига йўналтирилган ҳаракат микрофони ва радиокарнай, шунингдек, ёпиқ алоқа ва WiFi симсиз тармоғи линиялари ретранслятори ҳам киради. ДР-6Т вариантида аппарат 30 метр атрофидаги баландликда 24 соатдан ортиқ вақт мобайнида турган ҳолда ердаги манбадан олинган электр кабели ёрдамида озиқланган ҳолда 11,8 кг оғирликдаги фойдали юкни олиб учиши мумкин.

Маълумотларни қабул қилиш ва ишлаб чиқишни, шунингдек, аппарат аккумуляторларини зарядлаб олишни таъминловчи жиҳозларга эга бўлган аппаратларнинг учиш майдончалари автомобиль техникаси ёки қўмондонлик пунктлари томида жойлашади. Тизим кўтарилиш ва қўнишни автоматик тарзда бажариш имконини беради ва аппаратни учириш ва қабул қилиб олиш учун махсус асбоб-ускуналарни талаб қилмайди. Аппарат тезликни соатига 110 км.гача оширишга қодир, унинг кўтарилиш тезлиги эса 4,7 м/с.ни ташкил этади. Батареяларни тўлиқ зарядлаш учун 15 дақиқа, уларни алмаштириш учун эса 3 дақиқа кифоя қилади.






БУЮРТМА БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН

Греция ҳарбий-денгиз кучларига қарашли S 120 «Папаниколис» дизель-электр сувости кемаси Германиянинг 214-лойиҳаси асосида 2004 йилда Киль шаҳридаги (Германия) «Ховальдсверке-дойче верфт» компанияси кемасозлик верфида қурилган ва 2005 йилда Греция ҳарбий-денгиз флоти ихтиёрига топширилган. Кема комбинацияланган (дизель-электр/ёпиқ циклдаги ҳавога боғлиқ бўлмаган) энергетика қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, унинг таркибига умумий қуввати 5600 от кучига тенг бўлган MTU 16 V 396 русумли иккита дизель-генератор ва «Сименс» компаниясининг иккита водород-кислород типидаги ёқилғи элементлари модулига эга бўлган (электркимёвий генераторлар) ёрдамчи қурилма киради. Комбинацияланган энергетика қурилмаси сув остида максимал тезликни 20 узелга (электрокимёвий генераторда юрганда 6 узел), сув устида 12 узелга етказиш имконини беради. Сувости кемаси 400 метр чуқурликка тушиши мумкин. Унинг узунлиги 65 метр, эни 6,3 метр, баландлиги рубка четигача 13 метр, сувости сув сиғими 1980 тонна, сув усти сув сиғими 1727 тонна. Экипаж 27 киши, шу жумладан 5 офицердан иборат.


«Папаниколис» қуйидаги қуролларга эга: кемаларга қарши «Гарпун русумли ракеталар, саккизта 533 мм.ли торпеда аппаратларидан учирилувчи ДМ2А4 «Сихейк» русумли универсал торпедалар (жанговар комплект-16 та).



ЕНГИЛ ТАНК АСОСИДА

Австриянинг «Пионирпанцер» А1 русумли гусеницали муҳандислик машинаси пиёда ва мотопиёда бўлинмалари ҳаракатини қийинлаштирувчи турли тоя ва уюмларни ҳамда бошқа муҳандислик иншоотларини бартараф қилиш; дала бошқарув пунктларини жиҳозлаш бўйича муҳандислик ишларини бажариш, жанговар техникалар учун пана жойлар тайёрлаш, окоп ковлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ташиш ва бошқа муҳандислик вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган. Мазкур машина «Кирасир» русумли енгил танк шассиси асосида «Грайф» русумли зирҳли таъмирлаш–эвакуация машинасининг махсус ускуналаридан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Муҳандислик ишларини бажариш учун унда бульдозер ағдаргичи, кўтариш крани, лебедка (чиғир) ва окоп қазиш асбоб-ускуналари мавжуд.

Машина экипажи 4 кишидан иборат. Унинг жанговар оғирлиги 24 тонна, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 65 км, дизель двигатели қуввати 320 от кучига тенг. Қурол сифатида машинага MG M2 русумли 12,7 мм.ли пулемёт (жанговар комплекти 1500 та патрон) ва тўрт стволли тутун тарқатувчи гранаталарни отиш қурилмаси ўрнатилган.



М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

ЁШЛАР

ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 августдаги Фармонига кўра ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган бир қатор иқтидорли ёшлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланиб келинмоқда.



Бу анъана жорий йилда ҳам давом этиб, истиқлолимизнинг 18 йиллигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарорига мувофиқ миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш ҳамда унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ёшларимиз «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Бундайин нуфузли мукофотга сазовор бўлганлар сафида Ватан ҳимоячиларининг ҳам борлиги кўнглимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Шулардан бири – Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмнинг авиация эскадрильяси катта муҳандиси офицер Анвар Аҳмедовдир.

Қаҳрамонимиз катта лейтенант А.Аҳмедов 1983 йили Хоразм вилоятининг Гўрлан туманидан туғилиб, вояга етган. 2002 йилда мустақиллигимиз меваси бўлмиш Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга қабул қилинган.

– Айнан ҳарбийлик касбини, авиация йўналишини танлашимда отам Отабек Аҳмедовнинг ҳиссаси катта, – дейди Анвар. – Чунки у киши ёшликларида ҳарбий учувчи бўлишни орзу қилганлар, аммо у пайтларда юртимизда бундайин билим юрти бўлмаганлиги боис, бегона юртларга бориб ўқишга имконият бўлмаган. Мустақиллик берган имкониятдан унумли фойдаланиб, отамнинг орзусини амалга ошириш мақсадида, ҳарбийлик касбини танладим. Шарафли соҳада фаолият юритиб, эл-юрт корига камарбаста бўлаётганимдан фахрланаман.

Анвар ёшлигидан спортнинг кураш ва тош кўтариш турлари билан ҳам мунтазам шуғулланиб борган. Илк медалини 2000 йилда Жиззах шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича ўтказилган мусобақада қўлга киритган. Шунингдек, курсантлик даврларида ҳам турли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлган.

– Мукофотга лойиқ топилганимдан жуда хурсандман, – дейди у. – Ушбу мукофот менга янада куч-ғайрат ва шижоат бағишлади. Биз ёшларнинг камтарона хизматларимизни юксак баҳолаб, катта эътибор беришаётганлиги учун Президентимизга, қолаверса, халқимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бор билимимни, имкониятимни ишга солиб, юртимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашига, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришига муносиб ҳиссамни қўшаман.

Ҳа, юртимизда бундайин мукофотларга муносиб ёшлар талайгина. Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган юртимиз асл фарзандларининг бу каби ютуқлари бошқаларга ҳам ўрнак бўлиши шубҳасиз.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.
Муаллиф суратга олган.

БЕТАКРОР КЎРСАТУВЛАР МУАЛЛИФИ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан мамлакатимизда турли соҳаларда фаолият юритиб Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ёшлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида «Ёшлар» телеканали Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари муҳарририяти масъул котиби Шавқиддин Жўраевнинг ҳам борлиги барчамизни қувонтирди.



Жамиятнинг эртанги кунини, унинг тараққиётини белгилаб берувчи куч бу – ёшлардир. Шу боисдан ҳам бугун эртамиз эгалари бўлган бу йигит-қизларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юртимизнинг устувор вазифалари қаторига киритилган. Бундан руҳланган ёшлар ҳам ўз навбатида янги-янги зафарларни қўлга киритиш учун тинмай изланмоқдалар. Шавқиддин Жўраев ҳам шундай изланувчан, интилувчан ёшлар сирасига киради.

Ҳа, инсон бирор бир ютуқни қўлга киритиши учун энг аввало билимли бўлиши керак. Чунки фақат билим олиш орқалигина у ўзидаги бор қобилиятни, истеъдодни юзага чиқара олади. Аслида истеъдод ҳар бир инсонда бўлади, дейишади. Фақат уни ўз вақтида англаб тўғри йўналтира олиш лозим. Лавҳамиз қаҳрамонининг ютуғи ҳам ана шунда.

– Журналистика соҳасида фаолият юритиш, энг катта орзуимдан бири бўлган,– дейди у биз билан суҳбатда. – Чунки бу соҳага меҳрим бўлакча эди. Ёшлигимда мактабда ўтказиладиган турли байрам тадбирларда бошловчилик қилардим. Бу тадбирларнинг сценарийсини ҳам ўзим ёзардим. Аммо баъзи сабабларга кўра, мактабни тамомлаб, журналистика факультетига эмас, Қариш давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирдим. Университетда ўқиш баробарида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Муборак туман бўлимида ҳам фаолият юрита бошладим. Бу даргоҳда ҳам бўлимимиз томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда бошловчилик қила бошладим. Ана шу вақтлар мени туманимиздаги «Янги аср» телестудиясига таклиф қилишди. Бу мен учун жуда катта имконият эди...

Шавқиддин Жўраевнинг телестудиядаги илк кўрсатуви «Соҳибқирон ворислари» деб номланди. Бу кўрсатув қисқа вақт ичида томошабинлар эътиборига тушди. Қаҳрамонимизнинг журналист сифатида эришган бу муваффақияти янги кўрсатувлар яратиш учун замин бўлди ва у бир-бирини такрорламайдиган, турли йўналишдаги янги муаллифлик кўрсатувларга асос солди. Унинг ана шундай изланишлари маҳсули бўлган «Одамлар ва замонлар» кўрсатуви, «Ҳудуд» ахборот дастури ҳам тез орада ўз мухлисларини топди.

Шавқиддин «Янги аср» телестудиясида фаолият юритиш баробарида ҳақиқий тележурналист бўлиб шаклланди. Тажриба орттирди, малакали устозлардан тележурналистика сирларини эгаллади. 2003 йилдан Тошкентга келиб «Ёшлар» телеканалида жамоатчи мухбир сифатида иш бошлади. Катта даргоҳ, талаб ҳам шунга яраша. Шунинг учун доимо томошабинларга манзур бўладиган, қизиқарли лавҳалар тайёрлашга ҳаракат қилди. Унинг «Қишлоқдаги тенгдошим», «Ёшлар овози», «Оқ кабутар» каби кўрсатувлар учун тайёрланган лавҳалари ана шу жиҳатлари билан ажралиб турарди.

Жамоатчи мухбир сифатида иш бошлаган Шавқиддин Жўраев бироз вақт ўтиб, «Ёшлар» телерадиоканалининг «Истиқболли телелойиҳалар» студиясига мухбирликка қабул қилинди. Ушбу студияда фаолият юритиш мобайнида у юртимиз ёшлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Олис манзиллар», «Талабалар шаҳарчаси», «Қўшни юрт фарзандлари» каби кўрсатувлар орқали Ватанимизнинг чекка-чекка туманларида ёш авлод учун яратилаётган имкониятлар, иқтидорли ёшлар, улар эришаётган ютуқларини атрофлича ёритиб келди.

Айни пайтда «Ёшлар» телеканали Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририятида масъул котиб лавозимида фаолият юритаётган Шавқиддин Жўраев, мазкур кўрсатувда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиб келмоқда. Журналист сифатида ўз ўрнини топиш бу – ижодкорнинг энг катта муваффақияти. Шу сабаб у «Ватанпарвар» кўрсатуви муаллифи сифатида иш бошлаган дастлабки кезларданоқ Мудофаа вазирлиги ҳарбий студия бўлими билан ҳамкорликда шу соҳада ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлиш учун ҳаракат қилди. У иш жараёнида садоқатлиликни ўз вазифаси деб билади. Шунинг эътиборга моликки, унинг ана шу фидойилиги бутун ўз эътирофини топди.

Дарҳақиқат, билимли, тиришқоқ инсонлар мартабасига эга бўлганлар ҳар доим эъзозланади, улар қилган ва қилаётган ишлари эса юксак эътирофга сазовор бўлади. Уларга эргашадилар. Демакки, билимга интилишнинг хосияти шарофатли саналади.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

ЛОЧИННИНГ «ПАРВОЗИ»

Аълочи ҳарбий хизматчи. Жамоадош дўстлари катта лейтенант Лочинбек Равшанов ҳақида айнан шундай фикрни билдирадилар. Аслини олганда, ўз вазифасини бажариш, билим олиш ёки жамоат ишларида иштирок этиш бўладими, барча-барчасида у пешқадамлар сафида бўлишга астойдил бел боғлаган.



Умумтаълим мактабини, сўнгра Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини аълочилар қаторидан ўрин олган ҳолда тамомлаган самарқандлик йигит офицерлик фаолияти давомида ҳам ўзини кўрсатишга улгурди. «Ҳарбий спортчи», «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонлари соҳибига юқори қўмондонлик томонидан бир неча бор миннатдорчилик эълон қилинган. Қуролли Кучларимиз миқёсида анъанавий тарзда ўтказилувчи «Энг илғор мутахассис» танловида муваффақиятли қатнашган. Бундан ташқари интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақаларининг нафақат фаол иштирокчиси, балки ғолиби ҳамдир.

– Лочинбек фарзандларимнинг кенжаси, – дейди икки қизу тўрт ўғилнинг отаси Ўринбой ака Равшанов. – Ҳарбий бўлиш ҳақидаги қарори биз учун кутилмаган эмас, айнан кутилган воқеа бўлди. Чунки акаларининг барчаси офицер-да. Унинг ҳар бир муваффақияти ва ютуғидан беҳад севинамиз. Ҳар хушхабарни эшитгач, айниқса, онаси хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмайди. Кенжатойига меҳри бўлакчада барибир.

Юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Равшановлар оиласида навбатдаги қувончли воқеа рўй берди. Тиришқоқ ва интилувчан, изланувчан ёш офицер «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарорига мувофиқ «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Бу хабарни эшитган заҳотимдаёқ оила аъзоларим билан бўлишишга ошиқдим, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Албатта, эришилган ҳар бир муваффақият киши кучига-куч, ғайрат бағишлайди. Энг муҳими, фаолиятингизга, касбингизга нисбатан қизиқиш, ҳурмат ва меҳрингиз ортади. Бундан кейин янада иштиёқ ва шижоат билан хизмат қилишга, ташаббускорлик кўрсатишга чорлайди, бундай эътирофлар.

Миллий армиямиз сафларида юрт ҳимоясини ҳаётининг мазмуни деб ҳисобловчи, бутун куч ва билимини касбига бағишловчи, профессионаллик сари дадил қадамлар ташловчи катта лейтенант Равшанов сингари посбонлар оз эмас. Уларнинг ҳар бирини ёшларга, тенгдошларига намуна ва ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

МАЪНАВИЯТ

Қарор ва ижро

ДАФТАР МУҚОВАСИ ҲАМ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Айни кунларда мактаб ярмаркаларида ўқувчилар учун барча зарур ўқув қуроллари мавжуд. Биргина ёзув дафтарининг ўнлаб турини учратасиз.



– Мактаб ярмаркасидан фарзандларимга ўқув қуроллари харид қилдим, – дейди зангиоталик Қаҳрамон Аренбоев. – «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида ишлаб чиқарилган ёзув дафтари менга ҳар жиҳатдан маъқул келди. Унинг муқовасида Мусо ал-Хоразмийнинг сурати туширилиб, туғилган йили ва вафот этган санаси ёзилган. Орқа саҳифада эса кўпайтириш жадвали, ўлчов бирликлари акс эттирилган. Бу эса ўқувчининг билимини бойитишга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз ўқувчиларининг ёзув дафтарларига, кундалик ҳамда расм дафтарларига бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда. Бироқ, улар орасида четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳам бор. Хўш, четдан келтирилаётган ушбу ёзув дафтарларининг нафақат сифати, балки дизайни, муқовасига туширилган суратлари бизнинг менталитетимизга қанчалик тўғри келади? У ёшларимиз маънавиятига қандай таъсир кўрсатади? Афсуски, бу ҳақда ҳар доим ҳам чуқур ўйламаймиз. Хориждан келтириладиган дафтарлар аксариятининг муқовасига миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мутлақо зид, ўсиб келаётган ёш авлод онги, тафаккури ҳамда тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган беҳаё, зўравонлик, маишатбозлик ва бошқа иллатларни тарғиб қиладиган суратлар билан безатилганига кўп ҳам эътибор бермаймиз.

– Болани ёш ниҳолга, унинг тасаввурини эса оппоқ қоғозга ўхшатиш мумкин, – дейди Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари Шавкат Тўраев. – Бугунги глобаллашув жараёнларида шиддат билан кириб келаётган «оммавий маданият» ёки бошқа турли бузғунчи ғоялар бу ниҳолни осонгина букиши, оқ қоғозга доғ тушириши ҳеч гап эмас. Ёзув дафтари ҳам ана шундай кимсаларга ўз ғояларини сингдириши учун ўзига хос қурол бўлиши мумкин. Чунки ўқувчи ҳар куни фойдаланадиган дафтар кучли тарбия воситасидир. Унинг муқовасидаги сурат, шакл ёки жумла ўқувчи маънавиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Хусусан, зўравонлик, беҳаёлик, одобсизликни тарғиб этувчи тасвирлардан, аввало, ота-оналар хабардор бўлиши ва улардан ўз фарзандини ҳимоя қилиши зарур. Ҳар бир ота-она фарзандига ўқув қуроллари харид қилаётганида ана шу жиҳатларга эътибор қаратса, бузғунчи ғояларга қарши тўсиқ бўлади.

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудидаги «Илм шуъласи» масъулияти чекланган жамиятининг канцелярия моллари бозори вакили Улуғбек Содиқовнинг айтишича, 500 дан ортиқ турдаги канцелярия моллари ва ўқув қуроллари шу ердан барча вилоятларга тарқатилади.

Бозорни кузатарканмиз, дўконлар расталарида ҳар томонлама талабга жавоб берадиган, сифатли, энг асосийси, ўзимизда ишлаб чиқарилган дафтарлар тобора кўпайиб бораётганига амин бўлдик. Бозор маъмурияти вакили бу ердаги ҳар бир тадбиркор белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотларни сотмаслик ҳақида тегишли ҳужжатга имзо чекканини таъкидлади.

Таассуфки, бу ерда сотилаётган ўқув қуроллари, жумладан, ёзув дафтарларининг ҳаммаси ҳам сифат стандартларига, маънавиятимизга, миллий менталитетимизга тўғри келмас экан. Дафтарлар орасида муқовасига турли фильмлар қаҳрамонлари, ярим яланғоч қизлар, қиморбозлар картаси, ажнабий қўшиқчи ва актрисалар сурати туширилганлари ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилигида на ишлаб чиқарувчи, на сифат сертификати тўғрисида маълумотлар бор. Маълум бўлишича, бундай ёзув дафтарлари юртимизга яширинча олиб келинаётган экан. Шунингдек, шахсий фойда кетидан қуваётган айрим тадбиркорларимиз ҳам шундай беҳаё кўринишдаги дафтар ишлаб чиқармоқда.

Ёзув дафтарлари болалар ҳаётига биринчи синфдан кириб келишини, ундан ўқувчи кунига бир неча бор фойдаланишини, муқовасига катта қизиқиш билан қарашини, ундаги сурат қаҳрамонига ўхшашга, ёзувларини билиш ва ёдда сақлаб қолишга интилишини ҳисобга олсак, дафтарлар муқовасига босилаётган турли сурат ва маълумотлар ёшлар маънавияти, дунёқарашининг шаклланишида қанчалик муҳим восита эканлиги аён бўлади.

Шу боис ҳам бир қарашда оддий ҳолат бўлиб туюлган, аслида муҳим ҳисобланган бу масалага бефарқ қараб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августда қабул қилинган «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Мамлакатимизда ички истеъмол бозори ва таълим муассасалари ўқувчи ҳамда талабаларини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ҳамда миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарорда муқовасида ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган суратлар акс эттирилган, сифатсиз ёзув дафтарлари сотилиши ва бундай маҳсулотлар юртимизга кириб келишининг олдини олиш, мамлакатимиздаги мавжуд ёзув дафтарлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар томонидан ушбу қарор ижросини изчиллик билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айни пайтда сотувга чиқарилган ўқув анжомлари сифати юзасидан доимий мониторинг олиб борилиб, ёзув дафтарлари учун гигиеник талабларни белгиловчи санитария қоида ва меъёрлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги матбаа корхоналари томонидан 4 миллион донадан ортиқ ёзув дафтарлари ишлаб чиқарилиб, истеъмол бозорига етказилди. Бу рақамлар ўтган йилнинг шу давридагига таққосланганда анча кўпдир.

– Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёзув дафтари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 16 матбаа корхонаси йилига 320 миллион донадан ортиқ дафтар ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев. – Бу кўрсаткич юртимизда ўқувчи ва талабаларнинг дафтарга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда уни экспорт қилиш учун ҳам имконият етарли эканлигидан далолатдир.

Юртимизда ёзув дафтарлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг барча ҳуқуқий асослари ва стандартлари ишлаб чиқилган. Дафтар ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жойлардаги тегишли корхоналарга ёзув дафтарлари ишлаб чиқиш учун қўйиладиган талаб ва тавсиялар етказилди. Унда турли фанлар бўйича дафтарлар қандай безатилиши, муқовасининг мазмун-моҳияти, ранги, ёзувларнинг жойлашуви, техник талаблар аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўрсатилган.

Дафтар муқовасида Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари буюк боболаримизнинг расмлари ва байтлари ўрин олишининг юксак тарбиявий аҳамияти бор. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи, «Янгийўл полиграф сервис» масъулияти чекланган жамиятларида ана шу талаблар асосида ёзув дафтарлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жойларда талабга жавоб бермайдиган канцелярия товарларининг сотилиши ва чегара постларидан олиб ўтилишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар кучайтирилаётгани сифатсиз, маънавиятимизга мос келмайдиган ёзув дафтарлари савдосига чек қўймоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида божхоначиларимиз томонидан 127 ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз, сифати кафолатланмаган канцелярия товарлари савдоси билан боғлиқ қонунбузарлик аниқлангани бунга мисолдир.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида савдо расталарида беҳаё суратлар туширилган, сифатсиз ёзув дафтарлари кескин камаймоқда. Зеро, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг сифатли ва миллий маънавиятимизга мос китоб, дарслик ва ёзув дафтарларига бўлган эҳтиёжини қондириш, дунёқарашини шакллантириш, турли зарарли оқимлардан ҳимоялаш учун барчамиз масъулмиз.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ВАҚТ ҚАДРИ

Донишмандларнинг: «Вақтинг кетди – нақдинг кетди», «Бекорчининг ҳунари ғийбат», «Интизликда йиғ илмнинг мағзини, қарилик чоғи сарф қилгил оғиз» каби вақт ҳақидаги кўплаб ўгитлари, ривоят ва ҳикматлари мавжуд. Дарҳақиқат, ҳар бир дақиқамиз ғанимат. Бир мутафаккирга: «Қандай яхши, сизда ҳамма нарса бор, эл ичида обрўйингиз, китобларингиз, давлатингиз етарли», дейишганда, у: «Ҳа, менда ҳамма нарса бор, фақат вақт етишмайди», дея жавоб қилган экан.

Билим кишини орзу-мақсадлари сари етаклайди. Шундай экан, юрт келажагининг бунёдкори бўлган ўғил-қизларнинг вақти оилада, мактабда тўғри тақсимланиши лозим. Бунда, биринчидан, боланинг қизиқиши, истак ва қобилиятлари ҳисобга олинади.

Тарбиянинг кучига ишонмайдиган ёки ўзлари тарбиядан узоқ бўлган айрим кишилар, ёшларнинг хато ва камчиликлари ҳақида гап кетганда, ёшлик бебошлик-да, уларнинг хато қилиши табиий, дея хулоса чиқарадилар ёки бунга бепарвогина қўл силтаб хатоларнинг кўпайишига йўл қўйиб берадилар. Зеро, ёшларни бўш қолдирмаслик, аввало катталар, ота-оналар, ўқитувчи-тарбиячиларнинг ва маҳалланинг вазифасидир. Айтишади-ку, «Бир болага етти қўшни ота-она» деб.

Амир Темурнинг «Бўлар одам ёшида бош бўлар, бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар», «Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп» каби ўгитларини шу ерда келтириш ўринлидир.

Аҳмад ал-Фарғоний, Мотрудий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз бир вақтда илм, ҳунар ва меҳнат қилишни ўрганиб, вақтдан юта билганлар. Ёшларга уларнинг вақтдан унумли фойдаланганликларини таъкидлаш муҳимдир. Масалан:

– Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиб, ўзаро урушларга барҳам бериш учун курашганда эндигина 24 ёшга қадам қўйган эди;

– Бухорий бобомиз барча илм сирлари билан қизиқиб, дунё кезиб, олтмиш мингдан зиёд ҳадис тўплаганда 16 ёшдан эндигина ошганди;

– Ҳазрат Навоий 11 ёшида «Оразни ёпқоч», деб бошланувчи ғазалини ўқиб, устози Лутфийни ҳайратда қолдирган;

– Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса 5-6 яшарлигиданоқ отда чопган, қилични маҳорат билан ўйната олган, камондан ўқ узишда чаққон ва мерган бўлган. Отаси вафотидан сўнг, 12 ёшида Самарқанд тахтини эгаллади;

– Бувиси Бибихонимни фалак илмига доир саволлари билан ҳолижонига қўймаган, кўп вақтини бобосининг, отасининг кутубхонасида ўтказган, юлдузлар сирини билишга қизиққан 5-6 ёшли болакай Мирзо Улуғбекдир;

– Ёшлигиданоқ тил ўрганишга киришган Форобий умри давомида 70 дан ортиқ тилда мулоқот қила олган;

– Лермонтов 10 ёшида, Пушкин 9 ёшида шеър ёзишни ўрганган;

– Моцарт мусиқа чолғуларини чалишни ёшига тўлгандаёқ ўрганган ва 3 ёшида дастлабки асарини ёзган.

Тарихда вақтдан ютган буюкларимиз ҳақида мисоллар кўп. Буларнинг барини замирида аввало меҳнат ётибди. Зеро, истеъдоднинг 99 фоизини меҳнат ташкил қилади, дейдилар. Алломаларимиз ёшликдан уч нарсани қўлдан бой бермаганлар: вақтни, ўқишни, меҳнатни.

Аммо биз ҳадеб тарих билан мақтанавермай, ҳозирги авлод айни кунда нималар билан банд бўлаётганлигига эътибор қаратайлик. Ёшлар китоб ўқияптими? Ўқимаётган бўлса, нима сабаб? Илм-фан билан шуғулланяптими? Бирон кашфиёт яратиш нияти, эзгу тилаклари борми? Ўз аждодларига муносиб ворис бўладиларми?

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. «Ёшлар хорижга чиқсин, ишлаб малака орттирсин. Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман, ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиётлар яратишга иштиёқ бор. Фарзандларимиз бизнан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари лозим», дея Президентимиз ёшларни ўзгача меҳр-муҳаббат билан суйиб, бежизга уларга ишонч билдирмаган. Минг афсуски, ёшларимиз орасида вақтларини клублар ва дискотекаларда, олди-қочди киноларни кўриш ва компьютер ўйинлари билан ўтказиб юборaётганлари ҳам йўқ эмас. Вақтнинг кетиши – бахтнинг қўлдан кетиши эканини ҳамма тўғри англаб етмайди-да.

Ақлли ёшлар эса вақтларини бекорга ўтказмайдилар. Ҳайрат билан ўқиш, ғайрат билан ишлаш, дарсдан кейин ҳам билим олиш, ҳунар ўрганиш, спорт билан шуғулланиш, компьютер саboқларини эгаллаш, меҳнатнинг бирон тури билан банд бўлиш уларнинг турмуш тарзига айланган. Бу борада юксак ютуқларга эришаётган, дунё аҳлини лол қилаётган, жаҳон чемпиони бўлаётган ўғлонларимиз, илм-фан чўққиларини эгаллаётган, чет элларда ўз малакаларини ошириб, озод ва обод Ватан қуриш йўлида ўз билим ва меҳнатларини аямайдиган, кучли салоҳиятга, матонат ва шижоатга эга ёшларимиз кўп.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 600дан ортиқ мактабдан ташқари таълим муассасалари, 500га яқин спорт мактаблари, 3 миллиондан ортиқ ўқувчилар қамраб олинган фан тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Уларда жами ўқувчиларнинг 50 фоиздан ортиғи бўш вақтларини фойдали ишларга сарфламоқдалар. Албатта, ўғил-қизларнинг қамров даражасини янада ошириш мақсадга мувофиқ ва бунга етарли имкониятлар мавжуд.

Демак, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш ва уни мазмунли ўтказиш давр талабидир. Юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи мустақил фикрлайдиган, ўз қадрини баҳолай оладиган, принципал, ҳар қандай салбий кўринишларга қарши тура оладиган баркамол шахсни тарбиялаш олий мақсаддир.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.

ТАРАҚҚИЁТ

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЯНАДА ОШАДИ

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат-ташхис поликлиникаси ва клиникаси капитал таъмирланиб, замонавий тиббий-диагностика воситалари билан жиҳозланди. Истиқлолимизнинг 18 йиллиги арафасида ушбу иншоот фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини мунтазам ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, оналар ва болалар саломатлигини асраш бўйича амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар бу борадаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси ва маслаҳат-ташхис поликлиникасида йилига қарийб эллик минг нафар беморга илғор технологиялар асосида диагностика ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Бу жараёнда консерватив, оператив ва реанимацион даволаш услубларидан самарали фойдаланилаётгани яхши натижалар бераётир.

Тубдан таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар, ультратовуш таҳлил аппарати ва рентген кабинетларида хасталикларга юқори аниқликда ташхис қўйиш имконияти мавжуд.

ЯНГИ КЎПРИК

Истиқлолимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бир қатор янги иншоотлар, таълим-тарбия масканлари, маъмурий ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Заркент ва Қизилёзи қишлоқлари ўртасида янги кўприк қуриб фойдаланишга топширилди. Узунлиги 54, кенглиги 24 метрни ташкил этадиган мазкур иншоот Нанай ва Мамай қишлоқларини ҳам вилоят маркази билан боғлашда муҳим аҳамиятга эга.

(ЎзА).

«АГРОБАНК»НИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Самарқанд шаҳрида «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки вилоят бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда шаҳардаги «Баҳодир–А» қурилиш ташкилоти томонидан кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Бинонинг ҳар томонлама замонавий қиёфа касб этиши, ходимлар учун барча шарт-шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги бино очилишида сўзга чиққанлар сўнгги йилларда мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг мазкур молия муассасаларига ишончини мустаҳкамлаш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳақида тўхталиб, айни пайтда «мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

«Агробанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси йирик молия муассасаларидан бўлиб, ўзининг 19 филиали, 45 мини-банки ҳамда 20 махсус кассаси орқали 150 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 сентябрь куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Хитой Автомобиль техникаси маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, кўнчилик, соғлиқни сақлаш, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, логистика, сайёҳлик ҳамда мебелсозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлаганов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Хитой Автомобиль техникаси маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича савдо палатаси вице президенти Лю Мэйкунь мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан таништирилди.

– Ўзбекистон – Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан, – дейди Лю Мэйкунь. – Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар хитойлик иш одамларининг Ўзбекистондаги шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Дарҳақиқат, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 43,4 фоиз ўсиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларидаёқ бу кўрсаткич қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 266 Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 44 таси тўла Хитой сармояси ҳисобига тузилгани бунинг яққол тасдиғидир. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сармоя каби соҳаларда иш олиб боради. Юртимизда, шунингдек, Хитойнинг 46 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Хитойнинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охирги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда» дейди Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида.

Дарҳақиқат, бугун ободлик, фаровонлик ҳукм сураётган юртимизга, қалбларида янгиланиш, бунёдкорлик ҳисси жўш ураётган халқимизга қараб, эртанги кунга умид, ишонч янада мустаҳкамланади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор бир вазифа сифатида эътибор қаратган. Келинг, шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси берган маълумотлар асосида ортда қолган йилнинг олти ойи давомида бандлик масаласи бўйича қилинган ишларни рақамлар мисолида кузатайлик.

Ҳисобот даврида 534,6 мингта иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларида 327,5 минг (61,3 фоиз) иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида (208,9 минг) яратилгани алоҳида эътирофга сазовор. Таъкидлаш лозимки, хўжалик бирлашмаларини касаначиликни кенгайтириш бўйича чораларни амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида 51,7 мингта касаначилик иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритилиши аҳоли бандлигини 2,7 фоизга ўсишига ёрдам берди ва ўтган йилдагига нисбатан иш билан банд бўлганлар сони 288,6 мингдан зиёд кўпайди.

Бу кўрсаткич халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб бораётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.



ТОШКЕНТ–2200

ОБОД МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи арафасида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Шўртепа" маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси – гузар фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, маҳалла тизимини изчил ривожлантириш, унинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бугунги кунда жамоат ишларини бошқариш, осойишталик, тинчлик, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро тотувлик, меҳр-мурувват муҳитини мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айни пайтда жамиятнинг маънавий-ахлоқий мезонларини асраш, ёшларни тарбиялаш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, аҳолини аниқ ва манзилли ҳимоялашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси катта.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, маҳаллалардаги маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг кўламда олиб бориш муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган кўп миллатли "Шўртепа" маҳалласида ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, болалар спортини ривожлантириш, касаначилик меҳнатини йўлга қўйиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Шўртепа"да амалга оширилаётган ибратли иш тажрибаси "Энг намунали маҳалла", "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" каби кўрик-танловларда алоҳида эътироф этилмоқда.

Янги барпо этилган гузар маҳалла фаоллари, оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари вакиллари, профилактика нозирлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш имконини беради. Бу ерда улар учун қулай ва шинам иш кабинетлари, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонаси, турли тўй ва тантаналар зали мавжуд.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ОНА ШАҲРИМ – ИФТИХОРИМ

«Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзод учун ўзи туғилиб ўсган шаҳар, қишлоқ тимсолидан бошланади». Болалигимда бобом бу гапни жуда кўп бора такрорлардилар. Ёш бўлганман. Шу боис ушбу сўзнинг моҳиятини чуқур тушунмаган эканман. Бугун эса бобомнинг пурмаъно сўзларини эслаяпман-у, унинг нақадар тўғри ва топиб айтилганига амин бўлаяпман.

Инсон қаерда туғилса, ўша жойга чексиз меҳр қўяди, дейишади. Киндик қоним тўкилган она шаҳрим – Тошкент! Мен мана шу муқаддас гўшада туғилиб вояга етдим. Болалигим унинг илиқ бағрида кечди. Шу боисдан ҳам Тошкент ҳар доим мен учун табаррук ва мўътабар гўша бўлиб келган. Унга қараб кўзим қувнайди, ҳамшаҳарларим эришаётган ютуқларидан ғурурланаман. Йилдан йилга пойтахтимизда кўлами кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу кўз ўнгимизда ёрқин намоён бўлаётган ўзгаришларда акс этади. Шундай эзгу ишлар самараси ўлароқ мана, истиқлол йилларида она шаҳрим гўзаллашиб, чирой очди. Янада улуғвор кўринишга эга бўлди. Замонавий бино ва иншоотлар кўкка бўй чўзмоқда. Бу юртимизнинг тараққий этаётганидан, халқимиз янада фаровон ҳаёт сари одимлаётганидан далолат.

Шаҳримни яхши кўраман. Чунки унинг тимсолида ёшлигим, бугунги куним, халқимизнинг тарихи, келажаги ўз аксини топган. Яқинда ойнаи жаҳон орқали Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига бағишланган тантанани, Юртбошимиз Фармонига кўра шаҳримиз «Мустақиллик» ордени билан мукофотланганини томоша қилиб, юрагим чексиз фахр-ифтихорга тўлди. Айниқса менга муҳташам «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройи жуда ёқди. Уни халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини ўзида мужассам этган улуғвор, такрорланмас гўзаллик намунаси, дейиш мумкин. Кошона чиндан ҳам миллий меъморчилик санъатимизнинг ажойиб намунаси сифатида қад кўтарибди. Азим ва гўзал Тошкентимиз кўркига кўрк қўшаётган бинога қараб, юрагимдаги меҳр туйғуси янаям алангаланди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, шаҳримизнинг қутлуғ тўйи Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан нишонланишида ҳам узвийлик бор. Зеро, қадимдан маданият ўчоғи бўлиб келган Тошкентга бежизга Шарқ дарвозаси дея таъриф берилмайди. Бу шаҳарда кечаётган ўзгаришлар кўлами мамлакатимиз бўйлаб ёйилаяпти. Шундай экан, азиз шаҳримиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Оддий аскар Муродбек АБДУСАЛОМОВ.



Ватаним юраги азим Тошкентим,
Юрагим гавҳарисан фахрим, бош кентим.
Асрлар қаърида асралган макон,
Турон заминига нур берган ошён.
Икки минг икки юз – ёшинг улуғвор,
Мозий қатларида минг таърифинг бор.

Бугун сенга боққан дунё назари,
Ўзбек заминининг тенгсиз гавҳари.
Чароғон кўчалар, сарой, қасрлар,
Миллатнинг улуғвор шаънидан сўзлар.
Гўзал кошоналар шаҳри пойтахтим,
Сен билан мукаммал иқболим, бахтим.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган почта маркаларининг махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзида меъморчиликнинг қадимий ва замонавий анъаналарини мужассам этган пойтахтимиз қиёфаси 2200 йиллик юбилей арафасида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ушбу байрам муносабати билан Тошкент почтамптида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан ҳамкорликда почта маркаларини махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон филателистлар жамияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент юбилейига бағишланган почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Тошкент халқаро бизнес-маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, "Туркистон" саройи, ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи бинолари ҳамда Буюк Ипак йўли харитасининг кўринишлари акс эттирилган.

ЎзА.

АЛЬБОМ «ТАШКЕНТ-2200»

Издательско-полиграфическим домом «Узбекистон» издан альбом «Ташкент-2200», посвященный славному юбилею столицы.

Альбом открывается высказыванием Президента Ислама Каримова: «Столица нашей Родины Ташкент, возникший двадцать два века тому назад, располагавшийся на перекрестке Великого шелкового пути, благодаря своему географическому и геополитическому месту и огромному вкладу, внесенному в развитие мировой цивилизации, по праву получивший название «ворота Востока», воплощает в себе богатейшую историю и неповторимый облик солнечного Узбекистана».

Альбом, состоящий из трех глав, содержит уникальные исторические снимки и материалы, глубокие научные исследования, подготовлен в соответствии с достижениями современного дизайна и полиграфии. Первая глава «Тащкент в древности и средних веках» рассказывает о древнем Ташкентском оазисе, найденных здесь орудиях труда, наскальных рисунках, статуэтках из слоновой кости и других предметах древности. Также рассказывается о городищах Шоштепа, Актепа, Юнусабад, Мингурик, Бинкат, Канка, об исторических и культурных процессах, происходивших на территории города и его окрестностей. Кроме того, в главе анализируются этапы развития исламской культуры в Ташкенте, проиллюстрированные классическими образцами национального зодчества – фотографиями мавзолеев Шайх Зайниддин бобо, Шайх Хованд Тохур, Юнусхон и Имом Каффол Шоши, медресе Кукалдош, Барокхон и Муйи Муборак.

Во второй главе «Ташкент в 1860–1990 годах» на основе исторических картин и снимков повествуется о сложном историческом пути нашей столицы в середине XIX века, в период царского колониализма и тоталитарного режима.

Третья глава, посвященная современному развитию Ташкента, озаглавлена «Сегодняшний Ташкент». Здесь широко освещается осуществленная за восемнадцать лет масштабная историческая работа. Руководитель государства с первых дней независимости уделяет особое внимание тому, чтобы Ташкент соответствовал своему статусу столичного города и центра Центральноазиатского региона. И этого удалось достичь благодаря четкой и последовательной реализации разработанной Президентом страны концепции развития города.

Украшающие страницы альбома фотоснимки таких центральных административных зданий, как резиденция Оксарой, Сенат и Законодательная палата, Кабинет Министров, уникальных комплексов – площадь Мустакиллик, Дворец международных форумов «Узбекистон», современных образовательных, медицинских и спортивных учреждений, культурно-бытовых объектов, производственных предприятий, снимки, запечатлевшие счастливые лица ташкентцев, свидетельствуют о том, что в годы независимости облик города преобразился до неузнаваемости и соответствует высокому статусу столицы Узбекистана.

Новый альбом посвящен 2200-летней истории столицы нашей Родины, ее сегодняшнему и завтрашнему дню, трудолюбивым и самоотверженным людям, которые через века достойно несут славу города, вписывают в его историю новые яркие страницы. Альбом, изданный на узбекском, русском и английском языках, знакомит читателей с феноменом Ташкента, его духом и неповторимым обликом.

(УзА).

СПОРТ

Ёзги олимпиада

ЁШЛИК, ШИЖОАТ ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ

Ёшлик, камолот, маҳорат ва спорт байрами дея ном олган ёзги олимпиаданинг иккинчи босқичи – Сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасидаги баҳслар старт олди. Айтиш жоизки, Тошкент ҳарбий округининг Сержантлар тайёрлаш мактаби мезбонлик қилаётган мазкур мусобақани ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун керакли тайёргарликлар кўрилди, шароитлар яратилди. Куни кеча мазкур мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида шундай дейилади: **«Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт».** Давлатимиз томонидан кўрсатиб берилган, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бу каби муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама етук, маҳоратли, салоҳиятли командирлар, ўз касбининг усталари бўлган офицер ва сержант кадрлар билан бутлаш, олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таҳсил олаётган курсантларнинг жисмоний, жанговар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий тайёргарлигини кучайтириш, интеллектуал савиясини юксалтириш, улар ўртасида мусобақадошлик муҳитини яратиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик туйғуларини қарор топтириш мақсадида жорий йилнинг февралида қишки, август-сентябрь ойларида эса икки босқичли ёзги олимпиада мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган эди. Сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари ўртасида илк бор ташкил этилган баҳслар ана шу эзгу мақсаднинг мантиқий давоми, ёзги олимпиаданинг эса 2-босқичи ҳисобланади.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимини Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тоҳир Ҳамроқулов кириш сўзи билан очди.

Тантанали маросимда иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ёзги олимпиадада қатнашаётган барча жамоага ғалабали одимлар ёр бўлишини, мусобақалар давомида ўзларининг нималарга қодир эканликлари, бор билим, маҳорат ва салоҳиятларини амалда тўлиқ намоён этишларини, мазкур олимпиада бундан буён Ватан ҳимоясидек шарафли касбни танлаган ўғлонларнинг ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган, билимларини амалиётга муваффақиятли татбиқ эта олувчи, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган, жисмонан ва маънан баркамол ҳарбий хизматчилар бўлиб шаклланишларига хизмат қиладиган эзгу анъанага айланишига тилак билдиришди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонанда ва созандаларининг чиқишлари байрамга янада файз бағишлади.

Ёзги олимпиада дастуридан тактик (махсус-тактик) тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги, техник тайёргарлик бўйича назарий ва амалий жиҳатдан бажариладиган, спорт тамойилларига уйғунлаштирилган бир неча йўналишли баҳслар, шунингдек, ҳарбийлар хизмат фаолиятига бирмунча мослаштирилган эстафета, биатлон ва сузиш бўйича мусобақалар, бундан ташқари, икки йўналишли билимдонлар баҳси («Балли йигитлар!», «Билимдонлар беллашуви») каби ранг-баранг шартлар ўрин олганки, буларнинг барчаси иштирокчилардан нафақат жисмоний куч, балки юксак билим, эпчиллик, мерганлик, зукколик, топқирлик ва мураккаб вазиятлардан тезда чиқиб кетиш маҳорати, ҳозиржавоблик, етакчилик қобилиятига эга бўлишни ҳам талаб этади. Бу эса ҳарбий хизмат сифатининг янада яхшиланиши, шарафли касб эгаларининг маҳоратлари сайқал топиб, салоҳиятлари юксалишига хизмат қилади.

Беллашувда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округ, Марказий ҳарбий округ ва Тошкент ҳарбий округларининг Сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Иштирокчилар хатти-ҳаракатларидаги шижоат баҳсларнинг шиддатли ва муросасиз ўтишидан, биринчиликка эришиш осон кечмаслигидан дарак бериб турибди.

Жамшид НИЁЗОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

Футбол

НОХУШ АНЪАНА БУЗИЛДИ, АММО...

«Пахтакор» марказий стадионида жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларида омадсизликка учраган икки жамоа – Ўзбекистон ва Эрон терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Гарчанд у ўртоқлик учрашуви мақомида бўлсада, футбол мухлислари томонидан ўйинга катта қизиқиш билдирилди.



Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бу мазкур терма жамоаларнинг футбол тарихидаги илк ўртоқлик учрашуви эди. Иккинчи томондан «икки омадсиз терма жамоадан қайси бири кучли» деган савол мухлисларнинг ўйинга бўлган қизиқишини орттирганди. Учрашув олдидан футбол мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари икки терма жамоанинг расмий учрашувлар доирасида шу пайтгача икки бор ўзаро тўқнашишгани ва уларнинг ҳар иккисида эронликлар ғалаба қозонишганлигини таъкидлаб, терма жамоамиз бу гал ана шу «нохуш анъанага барҳам берармикин?» деган саволни ўртага қўйишди. Терма жамоалар бош мураббийлари олдида эса тамоман бошқа вазифа, жумладан қитъа чемпионатининг саралаш баҳсларида қатнашувчи терма жамоа таркибини аниқлаш, янги номзодларни назоратдан ўтказиш ва уларнинг ҳамжиҳатликдаги ўйинини шакллантириш каби масалалар турарди. Мухлислар буни тўғри тушунишса-да, учрашув қандай мақомда бўлмасин ҳар доим уларга мазмунли ўйин ва ғалаба зарур. Буни яхши англаган терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов ўйин бошиданоқ майдонга икки ҳужумчини туширди.

Мухлислар ва мураббийларнинг турлича қарашлари остида бошланган учрашув тенг курашлар остида кечди. Терма жамоамиз аъзолари бир-бирини майдонда энди тўғри тушуна бошлаган, ўйинлари қовушаётган бир пайтда марказий ҳимоячимиз Одил Аҳмедов рақибининг оёғига бутсасининг таги билан оёқ қўйганлиги учун ҳакам томонидан қизил карточка билан сийланди. Терма жамоамиз майдонда нафақат ўн киши бўлиб қолди, балки ҳужумларни ташкиллаштирувчи футболчисиз қолди. Бу терма жамоамиз ўйинига таъсир кўрсатди. Гарчанд эронликлар ҳам иккинчи таймда майдонда ўн киши бўлиб ҳаракатланган бўлишса-да, терма жамоамиз рақиблар дарвозасига яна йўл топа олмади. Вакилларимиз олти ўйиндан буён майдонни голсиз тарк этишмоқда. Ҳа, Осиёнинг кучли терма жамоаларидан бири бўлган эронликлар билан ўзаро учрашувлардаги нохуш анъанага барҳам берилди – учрашув дуранг (0:0) натижа билан тугади, лекин... мухлислар терма жамоамиздан янада мазмунлироқ ўйин кутишган эди. У расмий учрашувларда юз беришидан умид қилиб қоламиз.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Армейский спорт

МОТОСТРЕЛКИ ПОДАЛИ ПРИМЕР

Во всех частях и подразделениях Вооруженных Сил с большим успехом прошли спортивные состязания, посвященные празднику 18-летней годовщины Независимости нашей Родины. В одной из них пример сослуживцам показали воины мотострелкового взвода капитана Ахмадулло Билолова.

Задал тон успехам товарищей помощник командира взвода по материальному обеспечению младший сержант Мирзо Абдусаматов. Он победил в поднятии гирь, взметнув над головой снаряд 45 раз!

Так что на перетягивание каната взвод вышел вдохновленным этой победой и уверенно победил всех соперников. Лишь на перекладине их немного обошли танкисты.

Рядовой Бахром Эрсаидов выполнил подъем переворотом 65 раз, установив новый рекорд воинской части!

Зато в эстафете 4х400 метров мотострелковый взвод вновь показал высокую скорость бега, сплоченность и слаженность в передаче эстафетной палочки. А лучшее время показал на своем этапе лейтенант Хикматилло Атаев.

В итоге общекомандное первое место по праву досталось взводу капитана А. Билолова, на втором месте взвод связи старшего лейтенанта Равиля Хабибуллина, а третье место заняла команда управления части под началом капитана Джахонгира Суярова.

Подполковник Ильхом БЕГИМКУЛОВ.



СПОРТ

Бокс

СОВРИНЛАРГА ДАЪВОГАРЛАР САРАЛАНМОҚДА

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида 133 мамлакатнинг 500 нафардан ортиқ чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Баҳслар шу кунларда ҳал қилувчи паллага кўтарилди. Негизини Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ташкил этувчи Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари дунё биринчилигида муваффақиятли қатнашяпти.

Миландаги ринг жанглари бошланиш арафасида мутахассислар томонидан ҳар доимгидек кубалик боксчилар жаҳон чемпионати совринларига асосий даъвогарлар сифатида эътироф этилди. Жумладан, ҳаваскор бокс бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийи Николай Хромов гарчанд кубалик боксчилар таркиби ёшлар ҳисобига янгиланган бўлса-да, катта тажриба ва маҳорат мактабига эга бўлган бу юрт вакилларидан ҳар нарса кутиш мумкинлигини, ўз навбатида Қозоғистон ва Ўзбекистон чарм қўлқоп усталаридан ҳам эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидлади. Россиялик бошқа бир мутахассис Валериан Соколов эса терма жамоаси ёшлар ҳисобига янгиланган ҳолда Италияга келишганлигини ва бу сафар битта олтин, иккитадан кумуш ва бронза медалларга даъвогарлик қилишларини, умумжамоа ҳисобида дастлабки уч ўрин учун кураш эса Куба, Украина, Россия ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида кечиши мумкинлигини эътироф этди. Мутахассисларнинг башоратлари ҳозирча ўзини оқлаяпти – юқорида қайд этилган юрт вакиллари жаҳон чемпионатида муваффақиятли одимлаяпти.

Терма жамоамиз аъзоларидан биринчи бўлиб 51 кг. вазн тоифасида МҲСК вакили Шаҳриёр Исоқов рингга чиқди. Перулик Луис Давил Кайчога қарши кечган жангда вакилимиз яққол устунлик қилди ва 18:9 ҳисобида ғалаба қозонди. Жаҳон бокс мутахассислари учун «чақилмаган ёнғоқ» ҳисобланаётган боксчимиз иккинчи учрашувда нигериялик Анн Мишелни 17:2 ҳисобида мағлуб этди.

64 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Қуролли Кучлар хизматчиси Санжарбек Раҳмонов дастлабки жангини мисрлик Габер Эл Шеайрига қарши ўтказиб, ишончли ғалабага эришди – 19:4. Жанубий Корея вакили Парк Квон Суга қарши кечган иккинчи учрашувда ҳам июнь ойида Осиё чемпионлигини қўлга киритган вакилимиз 23:2 ҳисобида ғолиб чиқди.

Энг оғир вазн тоифасида рингга чиққан боксчимиз Сардор Абдуллаев Осиё чемпионатидаги каби яна бокс мухлисларимиз ишончини оқламади. Шуни таъкидлаш жоизки, қуръа вакилимизга дастлабки учрашувдаёқ бугунги кунда 91 кг.дан оғир вазнлилар тоифасида нафақат қитъамизнинг, балки жаҳоннинг энг кучли боксчиларидан бири ҳисобланган хитойлик Жилей Жангни қарама-қарши қўйди. Жилей Жанг жаҳоннинг кучли боксчилари рейтинг таснифида (AIBA – Amateur International Boxing Association) 2350 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди, вакилимиз эса 600 очко билан 26-бўлиб қайд этилган. Агар Сардор Абдуллаев шу дастлабки жангда ғалабага эришганида, у финалга қадар етиб бориши мумкин эди, чунки кейинги босқичларда унга ҳаминқадар кучсиз боксчилар рақиблик қилишарди. Лекин Жилей Жангга қарши кечган муҳим учрашувда боксчимиз 5:11 ҳисобида имкониятни бой берди.

Эртаси куни рингга чиқишган барча уч нафар боксчимиз ғалаба қозонди. Бокс мухлисларига яхши маълумки, 2007 йилги жаҳон чемпионатининг олтин медали соҳиби Аббос Атоев Пекин Олимпиадасида 69 кг. вазн тоифасида рингга чиқиб, муваффақиятсизликка учраган эди. Шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Аббос Атоевнинг Италияда 75 кг. вазн тоифасида рингга чиқиши муваффақиятли бошланди. У дастлабки жангини Гана вакили Аҳмад Саракага қарши ўтказиб, 16:4 ҳисобида ютуққа эришди. 6 сентябрь куни ўтказилган иккинчи учрашувда эса Япония вакили Кентаро Хаяшини 2 дақиқа 28 сония ичида нокаутга учратди.

60 кг. вазн тоифасида Куба боксчилари жаҳонда кучли саналишади ва қатор йиллардан буён бу юрт вакиллари халқаро майдонда етакчилик қилиб келмоқда. AIBA рейтинг таснифида ҳам жаҳоннинг кучли боксчилари рўйхатини Кубанинг бир йўла икки нафар боксчиси россиялик Алексей Тишенко билан бирга бошқариб бормоқда. Бу вазн тоифасида жаҳон чемпионатига юртимиздан МҲСК вакили Хуршид Тожибоев йўл олган эди. У аслида халқаро майдонда 57 кг. вазнлилар тоифасида ном қозонган, AIBA рейтинг таснифида ҳам шу вазн бўйича 1087,5 очко билан 8-ўринда қайд этилган. Лекин 57 кг. вазн тоифаси бўйича юртимизда 2003 йилги жаҳон чемпионати ва 2004 йилги Афина Олимпиадасининг бронза медали совриндори, 2006 йилги Осиё ўйинлари чемпиони Баҳодиржон Султонов бўлгани учун Хуршид Тожибоев Миланга вазн тоифасини ўзгартирган ҳолда борди ва 60 кг. вазн тоифаси бўйича рингга чиқиб, иорданиялик Маҳмуд Ишесишага қарши кечган дастлабки жангда 13:8 ҳисобида ғалаба қозонди. 5 сентябрь куни ўтказилган иккинчи учрашувда эса Марокка боксчиси Маҳди Отинуга 7:14 ҳисобида имкониятни бой берди. Мутахассислар меъёрдан ортиқча вазн боксчининг зарбаларини кучайтирса-да, ҳаракат тезлигини сезиларли даражада сусайтиришини эътироф этишади. Эҳтимол шу жиҳат боксчимизга панд бергандир.



Жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Баҳодир Султонов бугунги кунда жаҳон рейтинг таснифида 1550 очко билан 57 кг. вазнлилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. У Миландаги дастлабки учрашувида Дания боксчиси Деннис Сейлани нокаутга учратди. Бу учинчи раунднинг учрашув тугашига 45-сония қолганида юз берди. Боксчимиз иккинчи учрашувда венгриялик Михали Яношдан 18:3 ҳисобида устун келди. Мутахассислар ҳамюртимизни бу вазн тоифасида жаҳон чемпионати совринларига асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этишмоқда.

Энг енгил вазн (48 кг.) тоифасида рингга чиққан Алишер Маҳмудов дастлабки учрашувда ўзидан кучли саналган мадагаскарлик Раймон Раинджанакани 26:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги учрашувда эса эквадорлик Карлос Куипога 9:20 ҳисобида имкониятни бой берди.

Юртимизнинг номдор боксчиларидан бири – Осиё чемпиони Элшод Расулов ҳам жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашмоқда. Шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Элшод Расулов 81 кг. вазн тоифасида рингга чиқиб, эстониялик Айнар Карлсонни 19:3 ҳисобида, кейинги рақиби кениялик Ндере Жошуани эса 13:2 ҳисобида мағлуб этди. Элшод кеча Доминикан Республикаси вакили Жильберт Кастилло Риверудан 11:1 ҳисобида устун келиб, чорак финалга йўлланма олди.

69 кг. вазнлилар тоифасида рингга чиққан боксчимиз Ботир Маҳмудов аввалига Жанубий Африка вакили Лусизи Сипхавкдан (17:9), сўнг исроиллик Константин Снигурдан (12:3) устун келди ва у ҳам чорак финалга йўлланма олди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Тўлашбой Дониёров 54 кг. вазн тоифасида дастлабки учрашувини габонлик Брейера Лембоумбага қарши ўтказди ва очколар ҳисобида ғалаба қозонди – 11:4. Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳиби иккинчи учрашувда германиялик таниқли боксчи Денис Макаровни мағлуб (8:3) этиб, чорак финалга йўлланма олди.

Нимчорак финал учрашувлари

Санжарбек Раҳмонов (Ўзбекистон) – Франк Гомес (АҚШ) – 10:19,

Аббос Атоев (Ўзбекистон) – Ямагучи Флорентино (Бразилия) – 8:3,

Шаҳриёр Исоқов (Ўзбекистон) – Амнаж Руенроенг (Таиланд) – 3:10,

Баҳодир Султонов (Ўзбекистон) – Мичак Чудеки (Польша) – 15:6,

Рамзиддин Аҳмедов (Ўзбекистон) – Йозеф Дармос (Венгрия) – 13:10.

Шундай қилиб юртимиздан олти, Куба ва Россиядан тўққиз, Украина ва Германиядан беш, Хитойдан тўрт, Қозоғистондан уч нафардан боксчи чорак финалга чиқиб, медаллар учун курашни давом эттирмоқда.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҚАЙДНОМА

ШАШКА. Польшанинг Млава шаҳрида рус шашкаси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати Бухоро вилоятининг олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Нигина Бозорованинг ғолиблиги билан якунланди. У 18 имкониятдан 13 очко жамғариб, россиялик София Морозовани бир очко ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Учинчи ўрин ҳам россияликларга насиб этди. Нигина Бозорова рус шашкаси бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, Марказий Осиё биринчилиги ғолиби ва Осиё чемпиони ҳамдир.

ДЗЮДО. Голландияда ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз иккита бронза медални қўлга киритишди. 100 кг.дан ортиқ вазн тоифасида Пекин Олимпиадасининг кумуш медалига сазовор бўлган дзюдочимиз Абдулла Тангриев ярим финалда кубалик Оскар Брисонга имкониятни бой берди ва бронза медаль билан тақдирланди. Оскар Брисон финалда Тедди Ринерга ютқазди ва франциялик дзюдочи жаҳон чемпионлигини яна сақлаб қолди. Ҳамюртларимиздан иккинчи бронза медалга 90 кг.гача вазн тоифасидаги полвонлар ўртасидаги беллашувларда Дилшод Чориев сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида 3 та олтин, битта кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритган Япония терма жамоаси биринчи, Жанубий Корея иккинчи (2-0-3), Франция (2-0-1) учинчи ўринни эгаллади.

ТЕННИС. «Катта шлем» туркумига кирувчи совурин жамғармаси 21 600 000 доллар бўлган «АҚШ–2009» очиқ чемпионатининг яккалик баҳсларида Ўзбекистон «биринчи ракетка»си соҳиби Денис Истомин муваффақиятли қатнашди. У биринчи турда америкалик Бренд Эвансни 6:4, 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Айни кунда жаҳон рейтингида 108-ўринда бораётган 22 ёшли теннисчимизнинг иккинчи раундда эквадорлик Николас Лапенттига қарши кечган қийин учрашуви 4 соат 48 дақиқа давом этди ва ғолиб тайбрейкка кўра аниқланди. У вакилимизнинг 2:6, 6:4, 4:6, 7:5, 7:6 (4) ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди ва Денис Истомин турнирнинг учинчи босқич баҳсларига йўл олди. Эслатиб ўтамиз, бу юртимиз теннисчиларининг «Катта шлем» туркумидаги турнирларда қатнашуви борасида энг яхши кўрсаткичдир. Америкада яшовчи теннисчимиз Варвара Лепченко эса испаниялик Суарес Наваррога 6:2, 3:6, 2:6 ҳисобида дастлабки босқичдаёқ ютқазиб қўйди.

БОКС. Профессионал бокс бўйича энг оғир вазн тоифасида WBA йўналишида жаҳон экс-чемпиони Руслан Чагаев ўз мураббийини ўзгартиришга қарор қилди. У сўнгги олти йил мобайнида бирга ишлаган германиялик мураббий Михаил Тим билан хайрлашди. Эндиликда Русланга асли тожикистонлик бўлган Магомед Шабуров мураббийлик қилмоқда.

ФУТБОЛ. Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) жаҳон клубларининг сентябрь ойи учун рейтингини эълон қилди. Унга кўра Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби дунёнинг энг кучли жамоаси ҳисобланмоқда. Испаниянинг «Барселона» жамоаси иккинчи, Аргентинанинг «Эстудиантес» жамоаси эса учинчи ўринни эгаллаб турибди. IFFHS нинг рейтинг таснифидан юртимизнинг учта жамоаси ҳам жой олган. «Бунёдкор» 65-поғонада, «Пахтакор» 107-ўринда, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 244-бўлиб қайд этилган. Осиё қитъаси жамоалари орасида эса «Бунёдкор» иккинчи, «Пахтакор» тўртинчи ўринда бормоқда.

* * *

1991 йилда туғилган ёшлардан ташкил топган терма жамоамиз яқинда Австрияда навбатдаги ўқув-машғулотлар йиғинини ўтказиб қайтган эди. Марат Кабаев шогирдлари айни кунларда Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида шуғулланишяпти. Йиғин давомидаги дастлабки ўртоқлик учрашувини вакилларимиз мезбон тенгқурларига қарши ўтказишди ва 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Иккинчи учрашув ҳам ёшларимизнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

МАДАНИЯТ

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК АНЖУМАНИ



Самарқанд... Ҳали дунё у каби бетакрор, улуғвор яна бир гўзал шаҳарни кўрган эмас. Унга ошиқ бўлган, мафтун бўлган, унинг ишқи билан ёнган фотиҳлар кўп эди. Асрлар силсиласига матонат билан бардош берган муаззам шаҳар ҳамон улуғвор, ҳамон мафтункор, ҳамон ўзига чорловчидир. Бу йил Самарқанд еттинчи бора «Шарқ тароналари» анъанавий халқаро мусиқа фестивалига мезбонлик қилди.

Инсон руҳий камолотида мусиқанинг ўрни беқиёс. Мусиқа санъати инсон қалбига энг юксак ва инжа туйғуларни жо этадиган мўъжизакор кучдир. Шу сабабли ҳам унга бўлган эҳтиёжимиз ошса ошадики асло камаймайди. Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳам улкан эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизнинг бир неча марта нуфузли халқаро мусиқа анжуманларига мезбонлик қилиб келаётганлиги ҳам ана шу эътибор намунасидир. Бу борада амалга ошириб келинаётган салмоқли ишлардан яна бири Юртбошимиз раҳнамолигида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидир. Мазкур анжуман янги истеъдодларни кашф этиш, мумтоз мусиқа санъати дурдоналарини оламга янада кенгроқ танитишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, гўзал ва улуғвор шаҳарнинг тарихи-да ниҳоятда бой. Муаззам шаҳар азал-азалдан илм-фан, санъат бешиги саналиб келинади. Археологик қазишмалардан топилган топилмалар, деворий суратларда акс этган созанда ва хонандалар тасвири ҳам бу заминда мусиқа санъати бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғусининг топилиши миллий мусиқа маданиятимиз илдизларининг нечоғли теран эканлигини намойиш этиб турибди.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида ҳам соҳибқирон Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида шундай тўхталиб ўтган эди: «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди». Мустақиллик улуғ боболаримизнинг ана шундай эзгу анъаналарининг давомийлигини тиклади. Бу йилги мусиқа анжумани мамлакатимизнинг улуғ байрами – Мустақилликнинг ўн саккиз йиллиги арафасида ўтказилди. Бу эса мазкур нафосат анжуманига янада кўтаринкилик, шукуҳ бахш этди.

Йилдан-йилга нуфузли мусиқа анжумани иштирокчилари сафи кенгайиб бормоқда. Жумладан, 1997 йилги мусиқа анжуманида 33 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда иштирокчи давлатлар сони 51 га етди. Бу йил улар сафи яна кенгайди – Баҳрайн, Коста-Рика, Австралия санъаткорлари илк бора ташриф буюрдилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган маросимдаги табрик сўзида шундай сатрлар бор: «Аввало, бу фестивал Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши муқаррар.

Шу билан бирга, бу фестивал биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Чунки тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидаги юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу – мусиқа, бу – оҳанг, бу – тарона».

Ҳа, Регистон саҳнасидан янграган, она Ватан, муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва инсонпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тингловчилар қалбига ана шундай эзгулик тўлқинлари билан кириб борди. Ушбу фестивал янги номларни кашф этиш, иқтидор эгаларини саралаш, санъат ва санъаткорни юксак поғоналарга кўтаришнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Халқимизнинг севимли санъаткори, шоир тили билан айтганда «шарқ таронасининг бетакрор гули», Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ҳам ана шу нуфузли фестивалнинг ғолиби бўлган. Анжуман ҳақида опа шундай дейдилар:

– Шундай бой мусиқий маданияти бор халқ, албатта, жаҳонга донг таратувчи анжуманларга ҳам эга бўлиши керак. Бу фестивал халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ҳизмат қилади. Фақат биз чет элга чиқиб, юртимиз санъати ва маданиятини тарғиб этмаймиз, энди одамлар – санъаткорлар дунёнинг турли бурчакларидан келиб, барча ютуқларимизга гувоҳ бўладилар ва ўз юртларига бориб тарғиб-ташвиқ қиладилар. «Шарқ тароналари»да қатнашаётган мамлакатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги фестивал обрўсининг ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Қарийб бир ҳафта мобайнида кўҳна Самарқанд турфа оҳанглар оғушида яшади. Регистон майдони, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғларидаги саҳналарда, Ургут, Самарқанд, Тайлоқ, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой туманларида элликдан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Турли тилларда кўнгилга яқин бўлган Ватан, муҳаббат, дўстлик ва садоқатни тараннум этгувчи қўшиқлар янгради.

Нафосат анжумани бўлган «Шарқ тароналари» фестивалини юксак савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида анча аввал жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилган эди. Мамлакатимиз санъат намояндалари, ижодкорлари саъйи ҳаракатлари меҳмонлар томонидан юксак эътирофини топди. Самарқанд улкан санъат анжуманига қўлларида соз билан ташриф буюрган азиз меҳмонлари – тинчлик ва дўстлик элчиларини қучоқ очиб қаршилади. Меҳмонлар қадим ва навқирон шаҳарнинг бетакрор обидалари билан танишдилар, турли учрашув ва мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар ташкил қилинди.

Фестивал халқимизнинг бой ва бетакрор мусиқа маданияти шуҳратини янада юксалтирди, маданий дўстлик ришталарини мустаҳкамлади. Фестивалнинг ҳаяжонли лаҳзалари... Унда ҳаяжонсиз ўтган лаҳзалар борми, аслида?! Ниҳоят «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Фестивалнинг олий мукофоти – Гран-прига қардош Туркманистондан келган Лали Бегназарова ва халқ чолғу ансамбли сазовор бўлди. Совриндорлар орасида юртдошларимизнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Севимли санъаткоримиз, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадиий жамоаси биринчи ўринни олдилар. Иккинчи ўрин исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадиий жамоасига насиб этди. Италиялик Лаура Моллика хоним ва қувайтлик санъат усталари учинчи ўринни олдилар.

Гран-при соҳибаси Лали Бегназарова ўз таассуротларини шундай ўртоқлашади:

– Ўзбекистон, Самарқанд юрагимда ўчмас из қолдирди. Бу ерда ўтган ҳар бир куним унутилмас воқеалар ва таассуротларга бой бўлди. Халқингизнинг миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва улуғлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Бу – тарихга чуқур ҳурмат демакдир. «Шарқ тароналари»дек нуфузли халқаро анжуманда санъатимиз юксак мукофотга сазовор бўлганидан фахрланамиз.

Улкан мусиқа анжумани шукуҳи ҳали қалбларимизни тарк этган эмас. Регистондан таралган наволар халқимизнинг тинч ва осуда кунларига, фаровон ҳаётига, улкан бунёдкорлик ишларига мадҳиядек янгради, десак хато бўлмайди. Зеро озод ва ҳур ўлкада мана шундай куйлар қўшиқларга уланар, байрамлар байрамларга уланар! Она Ўзбекистонда ҳамиша мана шундай гўзал ва нафосатли анжуманлар кўп ва хўб ўтсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



Обуна – 2010

«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи – 114.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, **Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Р. ЖУМАЕВ, капитан Ҳ. МИРЗАЕВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; **Факс:** 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исламбаев** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | **Адади** 25250.

Нашр кўрсаткичи 114. | **Буюртма** № J-80-66.